

ГУЛХАНИЙ

ЗАРБУЛМАСАЛ



**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1974**

Ўз
Г 95

Нашрга тайёрловчи
Ф. ИСҲОҚОВ

Гулханий.
Зарбулмасал. (Нашрга тайёрловчи Ф. Исҳоқов.)
Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
80 б.

Гулханий — ажойиб ўзбек шоири бўлиши билан бирга буюк қомусчи ҳамдир. «Зарбулмасал» китобини ўқиб, унинг ўзбек масал, матал ва мақолаларидан иборат ҳажман кичик, аммо мазмунан улкан қомус яратганининг гувоҳи бўласиз.

Гулхани. Песня о сове.

Уз1

7—4—3—89
Т—М—352—06—74 85—74

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,
1974 й.

ГУЛХАНИЙ ВА УНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ

Муҳаммад Шариф — Мулла Гулханий адабиётимиз тарихида, ижтимоий фикрлар тараққиётида сезиларли из қолдирган моҳир санъаткорлардан бири — лирик ва сатирик шоир, ўткир аскиячи ва масалнавис адибдир.

Гулханийнинг адабий мероси, айниқса, унинг «Зарбулмасал»и бевосита халқ ҳаётидан ҳикоя қилиши, ниҳоятда халқчил ва оммабоп бир услубда ёзилганлиги сабабли китобхон қалбидан чуқур жой олиб келди. Бинобарин, у ўқувчиларнинг севимли китоби бўлиб қолмоқда.

Адабиётшунос ғуламларимиз шоир ижодини ўрганиш ва унинг меросини оммага тақдим қилиш йўлида анчагина ишлар қилдилар.¹ «Зарбулмасал» ҳам алоҳида, ҳам адабиётимиз

¹ Гулханийнинг ижоди ҳақидаги илмий ишлар жумласидан Р. Р. Муқимовнинг «Муҳаммад Шариф Гулханийнинг ҳаёти ва адабий фаолияти» (1948) кандидатлик диссертацияси, В. Зоҳидовнинг «Ўзбек адабиёти тарихидан» (1961) китобидаги мақола, Азиз Қажумовнинг «Қўқон адабий муҳити» (1961), В. А. Абдуллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигидаги тегишли саҳифаларни эслатиб ўтамыз.

тарихи хрестоматияларида нашр этилди² ва рус тилига таржима қилинди.³ Шоирнинг ҳаёти ва мероси мактабларнинг ўқув программалари ва дарсликларига киритилди. Бироқ, шунга қарамай, гулханийшунослик борасидаги ишлар ҳали ўз ниҳоясига етгани йўқ. Шоирнинг ҳаётига онд маълумотлар кам сақланганлиги туфайли унинг қачон ва қерда туғилгани, вафоти тарихи ҳам аниқланган эмас. Бу эса шоирнинг ижодий фаолияти ва унинг асарларидаги айрим ўринларни тўғри тушунишдаги дастлабки тўсиқлардир. Гулханийдан унинг ғазал ва қасидаларини ўз ичига олган бир девон қолганлиги ҳақида хабарлар бор — бу ҳам қўлга кирганича йўқ.

Шоирнинг ҳаётига онд баъзи маълумотларини биз, асосан, Фазлий Намангонийнинг «Мажмуаи шоирон» тазкирасидан биламиз. Тазкирада баён қилинишича, Гулханийнинг аждоди тоғликлар бўлиб, ўзи ҳам тоғлик тожиклар шеvasида ғазаллар ёзган.

Марҳум адабиётшунос П. Қаюмовнинг аниқлашига кўра, шоирнинг отаси аслида қоратегинлик бўлиб, хон навқари юзбошиларида бири лавозимида хизмат қилган, Муҳаммад Шариф эса Қўқонда ўзбек онадан дунёга келган.

Тазкираларда Гулханийнинг асли наманганлик эканлиги ҳақида ҳам гаплар бор⁴, лекин бу гаплар илмий асосланган эмас. Ўзбек тили ва урф-одатларини «Зарбулмасал»дагича чуқур ва атрофлича билиши, унинг аскиячилик заковатини ҳисобга олиб ёндошадиган бўлсак, Гулханийнинг Қўқон ҳаёти ва муҳитидан узоқда ўсганлигига ишониш қийин. Гулханий XVIII асрнинг иккинчи ярми (70-йиллари) ва XIX асрнинг бошларида Қўқонда яшади, оддий навқар лавозимида хизмат қилди, ўзининг серзавқ табиаи, ҳалоллиги, ҳозиржавоблиги, ростгўйлиги, халқ удуми ва айтимларини моҳирона қўллаши, хусусан, шеърят бобидаги салоҳияти туфайли сарой шоирлари қаторидан ўрин олди. Аммо Гулханий насабдор ва мансабдор шоирлар қошида ўзини «фақиру ҳақир», «ажда-

2 «Зарбулмасал» алоҳида бундан 12 йил муқаддам — 1960 йилда нашр қилинган эди. Қаранг: Гулханий «Зарбулмасал» ва ғазаллар. Иккинчи нашри, 1960. Т. Нашрга тайёрловчи — Ҳ. Ёқубов.

3 Гулхани. Избранные произведения. Изд. АН УзССР, 1951, перевод М. Салье.

4 Қори Раҳматулла Возеҳ. Туҳфатул аҳбоб фи тазкиратул асҳоб. 1914 йил босмаси, 224-бет.

ҳо қотидаги чумоли» деб ҳис қилар эди. Аччиқ ва кинояли-сўзлар учун виқорли шоирлар Гулханийни девонафешликда айблар, «ғазал айтиб хонга эҳтиёж арз қилади» деб камситар эдилар. Гулханий бир парча нонга муҳтож бўлиб ўтди.

Гулханийнинг вафоти ҳақидаги маълумотлар ҳам унча аниқ эмас. Шоирнинг Мадалихон буйруғига кўра, қопга солиб дарёга чўктирилгани ҳақида хабар бор — тарихчиларнинг баъзилари бунга анча ишонч билан қарайдилар. Проф. А. Қаюмовнинг фикрича, бу гап Гулханийнинг ўлими ҳақидаги ривоятлардан биридир, холос⁵.

Дилшод Барно рисоласининг ўзбекча нусхасида бу ҳақда бир гап бор — воқеаларнинг хронологик боғланишига эътибор қилинса, бундан шоир вафоти тарихига бирмунча аниқлик киритилиши мумкин. Гап шундаки, шоира 1215 ҳ/1800 йилда туғилган бўлиб, 17 яшарлигида (яъни 1232 ҳ./1817 йилда) уни Уратепадан Қўқонга — хон саройига ва у ердан умр бўйи яшаб қолган уйга кўчирганлар. Хон саройидан чиқаётиб у ҳаммом гўлаҳида макон қурган бир неча қаландарларга дуч келган эди. «...бир неча йил кейин мазкур қаландарлар илан шунос бўлдим, — деб ёзади Дилшод отин. — Чунончи, икки йил ўтгандин кейин бир заифа воситаси илан шоир Маҳжуб рўзгорлари илан васлга муяссар ўлунди. Ул бузрук адиб сабаблари илан Мунтазир ва Гулханий борасида илм пайдо бўлди. Аммо, шоир ва мутафаккир Гулханий бори фавт бўлгон экан».⁶

Кўриниб турибдики, шоира бу рўзгорига келганидан икки йил ўтиб шоир Маҳжуб билан учрашган ва у орқали ўзида Мунтазир ва Гулханий ҳақида илм пайдо қилган бўлса, бу тарих 1819 йилга тўғри келади. Мазкур санада Гулханий вафот қилган бўлиб чиқаётир. Бу ўринда «икки йил ўтгандин кейин» ўрнида «бир неча йил кейин»ни қўйиб тушунганимизда ҳам шоир вафоти санасини 1822 йилдан — Умархон вафотидан кейинга суриш қийин. Дилшод отинининг шу жумладан кейинги: «Зарбулмасал»ларини ўқиб ўз дёғрим қишлоқлари борасида ажойиб ойнанамо масаллар ёзганлари кўп таъсир

⁵ Қаранг. Азиз Қаюмов. Қўқон адабий муҳити, 1961, 305-бет.

⁶ «Тарихи Муҳожирин»нинг ўзбекча нусхаси. 30, 33-саҳифалар. Қаранг: «Дилшод». Нашрга тайёрловчи М. Қодирова, 1972, 16-бет.

қилди», деган сўзлари ҳам бор. Бу ҳол, биринчидан, адибанинг шоир вафоти ҳақида анча жиддий фикр билан сўз юритганини кўрсатса, иккинчи томондан, «Зарбулмасал»нинг Гулханий ҳали ҳаёт чоғидаёқ қўлма-қўл кўчиб юргани, «ойина-намо асар» деб баҳо олганини ҳам кўрсатиб туради. Демак, Мулла Гулханий Амир Умархон ҳукмронлигининг сўнгги йилларида вафот этган бўлиши керак.

Гулханийдан қолган адабий мерос ҳажм жиҳатидан катта эмас. Бизгача унинг ўзбекча ва тожикча ўндан ортиқ газали, бир қасидаси ва «Зарбулмасал» деб номланган тугал насрий асаригина етиб келган.

Шоир газалларида реал турмуш масалаларини тилга олиш тенденцияси кучлироқдир.

Шоир тахаллусига маъно беришда ҳам адабиётда бир хиллик кўринмайди. Қори Раҳматулло Возеҳ шоир ҳаммомдорлиқ билан шуғуллангани учун ўзига «Гулханий» тахаллуси олган, деб уқтирса, Фазлий буни Гулханийнинг «оташфан»лиги ва «демонафеъллиги»дан деб тушунтиради. Шоир ўзига тахаллус танлашда кейинги маънони назарда тутган бўлиши эҳтимолга яқиндир. Негаки, у навкарлиги замонда ўз шижоати, ғайрати, паҳлавонлиги билан ажралиб турган. Унинг баъзи тожикча газалларида учрайдиган «Журъат» тахаллуси ҳам шунини кўрсатади. Кейинги йилларга бориб адиб қаландарларча ҳаёт кечиради ва Маҳзуб, Мажзуб, Мунтазир сингари ринд шоирлар билан кўпроқ ҳаммом гўлаҳида мажлислар қуради, у ерда истиқомат қилади. Шу муносабат билан шоир ўз тахаллусининг «Гўлаҳий» маъносига ўта бошлайди. Бу жиҳатдан Гулханийнинг «Эй тўти» радифли тожикча газалининг мақтаби диққатга сазовордир:

Ба сарву шамъ чанди қумрию парвона менозад,
Бинозад Гулханий сад чанд бар хокистар, эй тўти.

(Эй тўти, сарв билан шамни кўриб, қумри билан парвона қанчалик қувонса, Гулханий ҳам кулни кўриб юз чандон қувонади).

Гулханий меросининг салмоғини, унинг моҳиятини белгилашда «Зарбулмасал», шубҳасиз, алоҳида аҳамиятга эгадир.

«Зарбулмасал» (мақоллар келтириб сўзлаш, ўхшаши ва тимсолини келтириб гапириш) — мажозий мазмун берувчи

асар — масал бўлиб, унда турмуш воқеалари турлича тоифадаги, турлича феъл-атворли кишиларнинг муносабатлари қушлар мисолида (Япалоққуш билан Бойўгли ўртасидаги қудачилик можароларининг баён қилиш орқали) ҳикоя қилинади. Қушлар эса ўзаро зарбулмасал йўли билан сўзлашадилар, мақсадга эришиш учун ҳар хил мақол, матал, ҳикмат ва чуккур мазмунли ҳикояларни келтирадилар.

«Зарбулмасал» ўзбек адабиётида ўзига хос оригинал бир асардир. Шарқ адабиётида (эртактлар, дидактик мазмунли асарларда) қушлар орасидаги «суҳбат ва муносабат»лар бундан илгари ҳам кўп тилга олинган. Бойқушларнинг қудачилик муносабатлари қиз учун қалин ўрнида неча минглаб чордевор талаб қилиш ҳоллари эски ўзбекча манбаларда (Рабғузий қиссалари ва «Мифтоҳул-адл» ҳикояларида) айнан бор. Бироқ Гулханий бундай ҳикоят ва масалларга жонли ва ҳаётий тус берди, қушларни мақоллар, ҳикматлар келтириб сўзлатиш билан асарнинг оригиналлиги ва бадийлигини орттирди, энг муҳими — қушларнинг ўзаро муносабатларини тасвирлаш орқали мавжуд ижтимоий ҳаёт манзараларини, халқнинг урф-одатлари ва анъаналарини намойён қилди, халқ донишмандлиги дурдоналарини тўплаб, уларни битта воқеанинг боғлаб берди.

«Зарбулмасал» сўз санъатининг ажойиб намунаси, ўзбек тилининг бой, ранг-баранг бисотини намойиш қилувчи тарихий-бадий ҳужжатдир. Асарнинг таркибида бир неча масал, ҳикоят, ривоятлар, ҳажвий парчалар, панднома, мадҳия, таъриф ва мунозаралар бор. Булар орасида эса афоризмлар, ўхшатиш ва сўз ўйинлари, 300 га яқин мақол, матал, иборалар жой олган. Асарда тилга олинган тарихий шахсларнинг лақаблари, қушлар ва жойларнинг номлари, урф-одатлар ва кишиларнинг моддий ҳаётига оид нарсалар ва ҳодисаларнинг атамалари — хуллас, тарих, этнография, тил тарихи нуқтананзарида гоятда муҳим бўлган қанчадан-қанча факт ва материаллар учрайди. Бироқ Гулханий мероси илмий-тарихий аспектда ҳали етарли даражада ўрганилгани йўқ. Асарнинг матни тўлиқ шаклланмагани ҳам бунга сабаб бўлиб келди. Кейинги йиллар ичида «Зарбулмасал»нинг бир неча қўлёзма нусхалари топилди ва натижада уларни жамлаб кўп сонли босма нусхаларга қисқараб ўрганиш учун имконият юзага келди.

Гулханий «Зарбулмасал»нинг китобхонга тақдим қилинаётган бу тексти асарнинг олти қўлёзмаси ва ўндан ортиқ босма нусхаларини⁷ қиёслаб чиқиш ва уларни илмий-танқидий асосда ўрганиш орқасида бунёд топди.

Буида ўзгартиш ва қисқартишлар жуда кам бўлиб, ўқувчиларга тушунилиши нисбатан енгиллиги жиҳати билан «Зарбулмасал»нинг аввалги нашрларидан фарқ қилади.

Ф. Исҳоқов.

⁷ «Зарбулмасал» қўлёзмаларининг бири — 1272 ҳ./1856 йилда кўчирилгани Бобир номидаги Андижон область кутубхонасининг қўлёзмалар бўлими (225-инв.)да сақланади. (Биз уни «А 1» белгиси билан атадик.) Яна учтаси (1871, 1873 йилларда кўчирилган нусхалар ва бир санаси йўқ қўлёзма) Қўқондаги Ғафур Ғулом номли адабиёт музейида (1024, 1052, 1068-инв.) сақланади. (Биз уларни кўчирилган санасига қараб туриб «Қ 1», «Қ 2», «Қ 3» белгилари билан атадик.) Яна икки қўлёзма марҳум адабиётшунос олим Буюк Қаримий қўлида сақланган бўлиб, шу нусхалар асосида у бир вақтлар асарнинг танқидий матнини тузган, лекин матн нашр қилинмай қолиб кетган. Буюк Қаримий қўлёзмалари (уларнинг бири 1299 ҳ./1882 йилда кўчирилган ва яна бири чалароқ бўлиб, санаси кўрсатилмаган) билан биз бу қўлёзмаларнинг фотокопиялари орқали танишдик. Асарнинг дастлабки литографик нусхалари эса 1890 (Қозон босмаси) ва 1896 (дастлабки Тошкент босмаси) йилларга тегишлидир.

ЗАРБУЛМАСАЛ

... Ровийлар андоғ ривоят қилурларким, илгари-
ги аҳди айёми нофаржомда Фаргона иқлиминда
Кайқубод отлиқ подшоҳдин қолғон бир эски шаҳ-
ристон бор эрди. Анда бир Бойўғли ва Бойқуш ва-
тан тутмиш эрди. Аммо бағоят ери-ҳавоси хуш, дил-
каш эрди. Сабза раёҳин ва анвойи шақоиқ ва се-
чаклар касратидин пўнқорға қўнғон чоғда ҳам то-
вуснинг думидек турланиб мунаққаш кўрунур эрди.
Ва ани ёнинда, бир яғочлик ерда, Япалоққушни ота-
бобосидин қолғон жойи бор эрди. Аммо Бойўғлини
бир қизи бор эрди, юзига ҳуру пари байт айтур эр-
ди. Байт:

Оразидин шамсу қамардур хижил,
Сўзларидин шаҳду шакар мунифайл.
Ҳосили умри эди ул бойни.
Оти Кунушбону, ўшал ойни.

Аммо бағоят афифа ва мастура эрди. Офтоби
оламтоб андин рашк қилур эрди, ё онки ҳар хомни
пишуруб, ҳар ишни тиндирур эрди, бир эшикдан
кируб, ўшал эшикдин чиқар эрди. Ҳеч махлуқ-мо-
халақоллоҳнинг ани кундуз кўрмоқға чораси йўқ
эрди. Ва ул маҳзура юзини ёшурур эрди. То баҳад-

дики, осори аломати булуг зоҳир бўлуб, тўши чиқиб, кўзи сузулуб, овози бузулуб, опасини ўнг сўзини терсига олиб сўзлай бошладн, алқисса, онаси фаҳмлаб айди: «Эй болам, кўнглунгиз эр тилар ўхшар, сабр қилинг, кўб ошуқманг. «Ошуққон қиз эрга борса, ёргимас» ва «тешук тўлчоқ ерда колмас». Анда қиз итоби оғоз қилиб айди: «Эй она, сиз бизга, сабр-ғаҳаммул сарн йўл кўрсатурсиз, мани олур йигитга ҳам отаси айтурки, «фўлод пичоқ қинсиз қолмас», «бош эсон бўлса, тўппи топилур». Ва яна бу сўзни устинда эрдиларким, Япалоққуш Кўрқушнн чоқируб олди, айди. Байт:

З-онки дар офоқ з-барноу пир,
Ҳеч кас аз жуфт надорад гузир.¹

«Эй Кўрқуш, бизнинг фарзанди қурратулайнимиз эр етибдур, маслаҳат бирла бир ерга муносиб қилоли дермиз. Бойўғлининг қизи бор эмиш деб айтушурлар, биз жонибдин завчи бўлуб боринг, ҳар қанча қалин деса топилур». Анда Кўрқуш айди: «Бор махтаанса топилур, йўқ мақтаанса, чопилур» деган яхшилар масали бордур. «Бойўғлини оғзини бир бурчидин минг чордевор чиқар «қизимни қалини» деб, ҳоло Ҳазрати Сайид Муҳаммад Умар аҳди омонларида олам маъмур, раоё масрур. Ҳар нечук абушқалар марваритдин, қурутқалар маржондин тасбеҳлар уюрурлар, бир бўш чордевор топилмас, уёлурмиз. Нечукким айтмишлар: «Ўй ўйлаган қул тек турмас», «Уёт ўлумдин қаттиқ». Ва яна айтмишларки, «Эрман яғочини эгилгани — сингани, эр йигитни уёлгани — ўлгани». Тинмасликка

¹ «Ешдир, қаридир — ҳар ким ўз жуфти билан, бусиз мумкин эмас.

қолсам керак. Орода турмоқ дағдағаси манда йўқ. Нечукким айтмишлар: «Хотун олмоққа (қунт) керак, кунда даҳсар эт керак». Анда Япалоққуш айди: «Эй кўр, камина сизни билумлук, маънидин бохабар киши сонур эдим, сиз карнай мисдин, балғам фисдин бўлурини билмас экансиз. Ман «кўр тутганини ва кар эшитганини қўймас»деб юборурман». Анда Кўрқуш айди: «Ман хотун олмоқ таманноси фарқоби эмасман». Нечукким, айтмишлар. Байт:

«Дала-тузни сув олса, ўрдак, қозни
тўшидин,

Қулоқсизга сўз айтсанг, қулогини
тошидин.

Қачон парвойим бор «...даҳмазаҳо барсари ки». Анда Япалоққуш айди: «Яхшилар сўзидурки, «битар ишни бошига яхшилар келур-қошига». Ва яна айтмишлар: «Бемор тузалгуси келса, табиб ўз оёғи била келур». Анда Кўрқуш айди: «Оғиз бўлма, оёқ бўл!» Эшитганинг йўқмуки, «Оёғ югуриги ошқа, оғиз югуруги бошқа». Е онки «Отолмаган сапқон ҳам бошқа тегар, ҳам (кетга)»; Сан ким, Бойўғлини эшигига киши юбормоқ ким?! Ҳеч билганинг йўқмуки, «тенг тенги билан, тезак қофи билан»... Анда Япалоққуш айди: «Андин бизни нима камлигимиз бор?! «Топган (томоғини) ёғлар»дин беҳабар ўхшарсиз». Анда Кўрқуш айди: «Борлиқдин маҳтанма, маҳтанган қиз тўйда (уялур)»: Ва яна айтмишлар: «Ўзини маҳтагани ўлумни қоровули». Сани аҳволинг оламға маълум. «Ойни этак билан

¹ Шу нуқтагача худога бағишланган ҳамду сано, ундан кейин пайғамбарларга саловот айтиш бошланади.

ёшуруб бўлмас», «Чумчуқ семуруб ботмон бўлмас», «Олакўзанак олмон бўлса ҳам, арслон бўлмас; олакўганоқ олғур бўлса ҳам, аҳволи маълум». Анда Япалоққуш айди: «Ўлум сўзни билмай сўзлагангаки, «Иштонсиз тиззаси йиртиққа кулур» дегандек, сан бизни фақиру нотавон кўрдингму?! Мундин бе-хабар ўхшарсанки, «Чўбни хор тутсанг, кўзга ту-шар». Манинг бирла сўзлашгунча бориб Бойўғли бирла сўзлашгил!» Анда Кўрқуш айди: «Эй Япалоқ, андоғ бўлса, куёв бўлатурган ўғлунгни исми шарифларни нимадур?!» Анда Япалоқбий айдики, ўғлумни муборак исми «Кулангир Султон подшоҳ! Бу ҳамма қушни пешасолоридур». Анда Кўрқуш айди: «Мундоқ фаҳму хирад сарманзилидин ўтган киши йўқ. Эҳкуни оти Мулла Абдукарим бўлурға ҳануз вақт бор эрди-ку! Бурунғилар анинг учум «Эби билан (кулганни) қурбони бўл», деган эканлар. Кулангир Султон от қўймоқ санинг ҳаддингму?! Бул от Ҳумо, Уқоб, Шоҳин, Шунқор, Қорчуғой, Баҳрин, Лочин, Итолгу-қушларнинг салотинлари турурлар-онларға шойим ва зебо от турур». Анда Япалоқбий айдики, «илгаригилар сўзидурки, «яхши нафас-ярим мол» Бори, баломни асбоб кулангирлиги минқор билан чапғалидин маълум ва равшан эмасму?!» Анда Кўрқуш айди: «Рост айтурсан, «Кўчқор бўлур қўзини пешонаси дўнг бўлур, оға бўлур йигитни этак-енги кенг бўлур», ҳоло сан тушбирани хом санабсан ўхшаюрки», «отаси урмас қўнғузни, боласи урар тўнғузни» деган сўзга ишонма, «ҳалво» деган бирла оғиз чучумас». Байт:

Такая бар жойи бузургон нотавон
зад баказоф,

Ва яна айтмишларки, «Шайхонда ҳунар не - хонақоҳ тангаст»². Сани бу сўзунг Кулангга ўхшайорки, бир кун Куланг Қарчугой ишин қилурман, деб дуррож шикорини ихтиёр эдуб, балчиққа ботиб қолди. Ҳар ким ҳаддидин ошса, булдур жазоси!» «Туркни туртмагунча билмас», деб ижмолан ишорат қилдим. Бул сўзни тафсилини «Силсилатуз заҳаб» дин тоб! Яна масалдурки, «Аёз, ҳаддигни бил, барчани қўй, ўзунгни бил!», «Номи калон, шаҳри вайрон, оти улуғ, сурфаси қуруқ, уйида чакса уни йўқ, томини бошида қўш танур», «Ўтини оти-маржон, эгасини оти - калжон». «Сичқон инига сиғмас, думига ғалбир боғлар» деган иборат санга содиқ келур». Анда Япалоққуш айди: «Эй кўр, ман ҳам эшитганим бор эрдик, кўр халқини тили аччиқлиғи бети туклукдин эмишдур. Нечукким айтмишлар, бети туклуни юзига боқма. Чекишмагунча бирикишмас. Сан манга донишварлик кўргузарсан, Куланг Қарчугой бўлдуғин, балчиққа ботганин ҳикоят қилурсан. Ман ҳам Бийно ва Нобийно ҳикоятин хўб билурманки, Нобийно Бийно сўзини қулоқга олмайин хижолатдин йилонга ўзини чақтурди, ҳалок бўлди. Санга ҳикоят қилсам, бул муҳим хайр кечга қолур. Бул ҳикоят баёни воқеасин истасанг «Қалила ва Димна»дин тоб!» «Ҳадиси набавийдурки, «тахирни офати бор». Анда Кўрқуш айди: «Бу ҳадис маънисидин беҳабар ўхшарсанким, Таанний-раҳмондин

¹ «Улуғларнинг жойига суяниб беҳуда мақтанма, аввал улуғликнинг ҳамма шартларини жойига қўй».

² «Шайхда ҳунар бўлмаса, хонақоҳ тангдир».

³ Абдураҳмон Жомийнинг машҳур асарига ишора қилинади.

ва таъжил-шайтондин». Сан андак ўз яроғингни қилғунча, сабр қилсанг хўбдур. Сабрни яхшилар андоқ таъриф қилмишларки, назм:

Сабр била баста эшиқдур кушод,
Сабр била тобти эронлар мурод.
Сабр била хор гулистон бўлур,
Шўра замин боғ ила бўстон бўлур.
Сабр санинг дардинга дармон бўлур,
Сабр қилон бандага фармон бўлур.
Барча эшик очғусидир сабр, бил,
Сабр қилу, сабр қилу, сабр қил!

Ва яна айтмишларки,

«Сабр қилсанг, ғўрадин ҳалво битар.
Бесабрлар ўз оёғидин йитар.

Анда Япалоқбий айди: «Оре, балоға собир, қа-зоға рози бўлмоқдин ўзга чорам йўқ ва лекин сабр-ни жойи бордур. Сабр деб фарзу суннату вожиб қўлдин кетса, ўхшамас, бир мувофиқи шаръи бўлса ярашур. Кўнгулчакман деб (кўз) берса ул ҳам ўхшамас. Ва яна баъзи қилилиқдурким, «кўнгулчак-ликдин бердим», дер! Анда Кўрқуш айди: «Ўлум, ёмонгаки, муҳим хайр ишига юборур кишини бу навъ бўлурму пешомади?! Эшитган эмасмусан: «Жили-жили сўзласанг, илон инидин чиқар, аччиқ-аччиқ сўзласанг, мусулмон диндин чиқар». Сани бу ношойиста сўзунгга бормасман ва яна, бу иш уҳдасидин чиқмасман ва етавга ҳам ўзламасман. Тожикини бир масали бордурки, «Зўри беҳуда миён мешиканад».¹ Анда Япалоқбий айди: «Битар ишни

¹ «Беҳуда зўр бериш белни синдиради».

кейинга солурсан, магар онки монеъулхайрга ўх-
шарсан. Сапдин суқ-хусудни иди келур». Анда Кўр-
қуш айди: «Асло ман хайр ишини кейинга солурим
йўқ. Суқ ҳасаднинг қариндоши бўлур. «Суқ тўймас,
ўғри бойимас»ни ман ҳам хўб билурман. «Қалб қо-
зони қайнамас, қайнаса ҳам қуюлмас» дерлар. «Ҳа-
ромзодани қуйруғи бир тутам» ва лекин ҳаромзо-
далиқ сарманзилидин ўтган киши эмасман. Манга
кўб юз келтурма. Аввал бориб Кулангир ўғлунгни
сиёқи шумини кўрай, ани сўзини тузини тотиб, ан-
дин кейин борсам керак. Ҳадиси набавий таржима-
си турурки, «Хайр ишига далолат қилғучи савобга
шеарик», деб Кўрқуш Кулангир Султон боргоҳига
жўнай берди. Ярим яғоч йўл қатъи эдуб борур эр-
ди, ўшал аснода бир Ҳудҳуд йўлуқти. Саломлашиб
айдики; «Қайси ошёнаи баландин парвоз қилдин-
гиз?» Анда Кўрқуш айдики:

Парвози бандаги бахудо намерасад,
Эй хок, паст бош, баландаст осмон.¹

Бизнинг парвозимиз маълумдур. Анда Ҳудҳуд
айди: «Эй кўр, ман муаммодин беҳабарман, тўғри
сўзунг бўлса, сўзла мофиз-замиринг манга аён
ўлсун». Анда Кўрқуш айди: «Ман Япалоқбийни
завчисидурман, Бойўғлини қизига хостакорликга
борурман». Анда Ҳудҳуд айди: «Япалоқни ниҳоят
кам хирадлигини эмди билдим. «Ҳар ойина ўз жин-
сидин». Япалоқлар қуруғондек, сани юборурмуди?
Магар сан ҳакиме ҳозик ҳикоясидан беҳабар ўх-
шарсан?!» Кўрқуш айди: «Ҳикоят қил». Ҳудҳуд
айди: Ҳикоят: «Ҳакиме ҳозик бир гулистони руҳаф-

¹ «Банда учиб худога етолмайди. Эй тупроқ, паст бўл, ос-
мон баланддир».

зоға дохил бўлди. Қўрдики, бир шох узасинда Кабутар била Зоғ нишаст қилиб ўлтурубдур. Иккиси бир-бирига ваҳшат била наззора қилур, улфати барор келмас. Шул аснода меҳмонсарони олдида бир жўй бор эрди, иккиси сув ичмоққа қасд қилди. Меҳмонсарони ичинда бир рустойи азбаройи сайд ўқин созлаб мунтазир ўлтуруб эрди, Зоғ дарахтдин парвоз қилиб эшикни тўғрисиға тушди, Зоғдин рустойи ўқин отиб ўткарди, қушиға ем қилди. Кабутар парвоз қилиб сиҳат кетти. Агар Зоғ ўз жинси бирла саҳрода ва ё жуворипояда ва ё эски хирмонларда юрса эрди, ўқ захмини еб қушға ем бўлмас эрди.¹ Ва яна айтмишларки, «кишини кишиси бўлса ҳам тўппини ерга қўюб кенгашур». Эй кўр, бемаъни кўр, санга завчи бўлмоқ надур?!» Байт:

Аз асои худ ибo доранд кўрон рўзи жанг,
Бе басират аз далили хеш мулзам мешавад.

Анда Кўрқуш айди: «Эй Худхуд, сан ҳазрати Сулаймон алайҳиссалом бирла мунозара қилгон кишидурсан. Сандин саволим бор, сўройин». Анда Худхуд: «Сўроғил», деди. Кўрқуш айди: «Ҳазрати Мусо пайгамбар эдиларму ё ҳазрати Ҳорун?» Худхуд айди: «Ҳазрати Мусо пайгамбар эдилар, Ҳазрати Ҳорун халифа эдилар». Оллоҳи таолодин ваҳий келганда инилари била машварат қилур эрдилар». Анда Кўрқуш айди: «Мулзам ўз далилингиз-

¹ Худхуд (Попушак)нинг ҳакиме ҳозиқ (Кабутар ила Зоғ) ҳақидаги бу ҳикояси «Зарбулмасал»нинг марҳум Буюк Каримий қўлида бўлган чалароқ иккинчи бир қўлёзмаси (БК2)да тожикча маснавий шаклида баён қилинган.

² «Жанг кунида кўрлар ўз ҳассасидан ҳам ҳадиксирайдилар. Уйламай гапирган киши кейин ўз сўзидан хижолатлик тортади».

Бурунғилар масалидурки, «қизни ким айтмас, қимизни ким ичмас». Ва яна айтурларки, «Қарнайчин нима кетар — бир пуф!» Анда Худхуд айди: Амонат сўзга амин бўлмоқ яхшилар шеваси турур. Сан дахи кулни ўз кўмачингга тортма ва ё дурадгордек тешани ўз тарафингга чопма. Монанди арра бўл. Форси халқини масали борки:

Монанди арра бош дар илми маош,
Гоҳи сўйи худ мекаш, гоҳи мефoш.¹

Амонат сўзга ду жониба талош қил!² Андоққим, Эшон Сўфи Оллоёр сўзларидурки, «Тал оша келган ўлтурмас талоша», деб видолашиб кетти. Андин сўнг Кўрқуш Кулангир боргоҳина равона бўлди ва ани сарманзилига етти, кўрдиким, ажаб манзиле. Савсани садзабон анинг васфида ожиз ва яна ҳар турлук муарриф таърифи анинг шаънида нобуду ночиз. Байт:

Кўрди тикилган эди бир боргоҳ,
Боргоҳи хисрави анжум сипоҳ,
Кунгираси кўкка теган ўрдалар,
Хаймау хиргоҳ, саропардалар.
Бир неча қушлар била ҳамроз ўлуб,
Булбулу қумри била дамсоз ўлуб.
Нағмаи қорунлиғин соз этиб,
Даъвати фиръавнлиғин оғоз этиб.

Кўрқуш бу асоси мўлоқиёсни кўруб айди: «Илригилар сўзидурки «Кулаган тариқ битаган» деб

¹ ир. «Тирикчилик илмида арра сингари бўл, гоҳ (қипиқни) тарафингга торт, гоҳ соч».
² элис Омонат сўзга икки томонлама талош қил».

боргоҳ дарвозасидин қўрқуб, ичкари киролмай ўл-
туруб қолди. Баногоҳ Кулангир Султоннинг назар-
лари тушти. Аммо олдиларинда кичкина югурдак-
ларидин бир Қуйканак отлиқ қуллари ҳозир эрди,
буюрдики, бориб гуломгардишда ўлтурган ўшал
кишидин сўрагил, муфлис-муҳтожму ё мустаманд
бечораму?! Ё очлиғ ва ялонғочлиғдин келдиму?!

Сазовори сахо бўлса, мунда олиб кел!» Анда Қуй-
канак илгари бориб айди: «Эй бобо, қайси ошёнаи
баланддин парвоз қилдингиз?!» Қўрқуш ани мутак-
каббирои сўзини англаб, айди: «Эй болам, сан сўз
сўргучи бўлгунча ва ман жавоб бергучи бўлгунча,
иккимиз ҳам ғойиб бўлсак яхшидир». Анда Қуйка-
нак айди: «Мани бу аркони давлат аросинда ҳақи-
ру кичкинота кўрдингизму?!» «Кичкина деманг биз-
ни, сакраб урармиз сизни». Ва яна айтмишлар: «Ўз
жойинда Қуйканак ҳам Қоз олур ҳам ўрдак». Сиз
бул бемадор сўзунгизни Фардогирам била Қўти-
кулдига айтинг. Масалдурким, «(кетингга) боқ, на-
ғора қоқ». Ёинки «ўзингни эр билсанг, яна бировни
шер бил». Қўрқуш ани худдонлиғини англаб айди:
«Эй болам, сан ота-онасиға жуфт таълим берган
ўғулга ўхшарсан. Бурунғилар сўзидурки, «Сигир
сув ичгунча, бузов муз ялар». Ман меҳмон бўлсам,
таъзим-тавозеъ қилсанг керак. Байт:

Ғам ҳужум этганда бесомонлиғим ортар мани
Мезбон хижлат чекар ҳар неча меҳмондур таниш.

Баракалло, меҳмонни икром қилмоғни сандин кўр-
дум», деди. Алқисса Кулангир ўз жойинда туруб бу-
ларни гуфтугўларини эшитти. Меҳмонни озор бер-
ган сўзини англади. Қуйканакни жеркиб кўздин
андоқ нори солдики, қайта кўрмаклик номумкин

бўлди. Ура туруб Кўрқушни олдиға чақуруб, ёнин-
да жой бериб айди: «Эй бобо, маъзур тутунг, ўзин-
гиздек яхшилар сўзидурки, «Танимасни сийламас»,
дебдурлар». Анда Кўрқуш сўзга дарафтод бўлди,
айди: «Улуғни боргоҳинда хирадманди дониш ва
аҳли хиради бохуш ҳар қанча кўб бўлса ҳам, оз
бўлур. Хусусан, подшоҳи одилға уч тонфадин гузир
йўқдир. Аввал олими боамалки, подшоҳнинг охи-
ратлик асбобини тараддудиди бўлса. Иккинчи, ва-
зири соҳибройки, подшоҳнинг дунёлик яроғини та-
раддудиди бўлса. Учунчи, муншийи ростнавис қа-
ламзани нигоҳдору шамширзан бўлса! Масалдур-
ки, «Эрга берсанг ошингни, эрлар силар бошингни,
итга берсанг ошингни итлар тортар бошингни».
Ҳоло бу турғонларнинг навола дўстлари, пиёла ҳа-
рифлари таом емакка ҳозир, маслаҳатга ақли қо-
сир. Ва яна айтмишларки, «Эсинг борида этагинг-
ни ёпғил!» Ва ёинки, «Яхшилар билә юрдунг—ет-
тинг муродға, ямон билан юрдунг-қолдинг уётға».
Ёинки, «Ямонға ёндошсанг, балоси юқар, қазонга
ёндошсанг, қаросп юқар». Ва яна масалдурки, «асл-
насабдин орий кишилар вифоқ-нифоқдин нори ки-
шилар». Нечукким айтмишлар: «Қум йиғилиб тош
бўлмас, қул йиғилиб бош бўлмас». Форси улус қул-
ни «ғулом»дерлар. Ишратдурким, «ғулом»ни боши-
даги «гайн» бўйнидаги «лом» билан муттасил ғул-
дек бўлиб турса керак. Ғуломлик таркиби бузулса,
одам боқий қолур. Бу тонфалар хизмат уҳдасидин
чиқмаслар. Ва яна масалдурки, «қул қутурса, қу-

¹ «Зарбулмасал»нинг ҳозир Ғафур Ғулом номли Қўқон ада-
биёт музейида сақланаётган икки қўлёзма нусхасида (бир
уларни «Қ2», «Қ3» белгилари билан атаймиз) «Подшоҳи
одилға уч тонфадин гузир йўқ» деб бошланувчи панднома
маснавий йўл билан (ўзбекча) берилган.

дуқға (туфлар)» Ё «Ур» деганда қул қочар...»; «Қул бўлсун, қулоғи ёғлиқ бўлсун» деган сўз отасини суфрасидини пои ушатмаган бир очкўзни сўзидир. Биз қўй кўрмасак ҳам, қий кўрган эрдук. Қулни суйган камари-арқон, оре, емиши талқон, қўлига эски ўроқ, қаттиқ ёви янтоқ бўлур. Бу тоифани оз хизматидини кўброқ миннати бўлур. Ва яна айтмишларки, ~~«Қул билан қўймоқ есанг қустурмай~~ қўймас, чўри билан чалнак есанг (қайтармай) қўймас». Ва яна бу сўзга ишонмасанг, ҳадиси набавий таржималарига боқ: «Ассуҳбатун муассирун»¹ дебдўрлар. Ҳар ким ножинсдин мурувват тилар, гўё тол яғочидин зардолу тилайдур.

Ҳарки аз ножинс межўяд вафо,
Аз дарахти бед межўяд самар.²

Андоқ амри вуқуъга келмас», деди.

Андин сўнг Кўрқуш сўзлари Кулангир Султон машомига бодаи сабуҳий нашъасидек таъсир этди ва насойиҳнинг абири жон комига турктоз этти. Баҳаддики, вужуд маъмураси ободлиққа юзланди, Кулангир Султоннинг илгари меҳмондин қолган оши бор эрди, ани Кўрқушнинг олдига чиқариб қўйди, айди: «Оз ошга индоқ йўқ». Анда Кўрқуш айди: Байт:

Карам на эрди бахиллиқ сўзини дединг, эй шоҳ,
Оз ошни бергуча мундин зиёда ўт ўлон.

Кулангир Султон айди: Байт:

¹ «Суҳбат кишига таъсир кўрсатади».

² «Ҳар ким ножинсдин вафо тилар, гўё тол яғочидин самар (мева) тилар».

Аз карам нест мадхали кардан,
Хон инҳони таомни худ хўрдан.
Беҳ аз он суфра суфраи оташ
Ки нашуд з-ӯ гуруснаи дил хуш.¹

«Оз ошим гавгосиз бошим», деб ялғуз иноят қилинг. Анда Кўрқуш айди: «Оз ошим гавгосиз бошим» деган сўз бир уйлук кишилар сўзидур, аморат аҳлига бу иборат нописанд бўлур. Бурунғилар масалидурки, «Ош эгаси бплан тотлиғ». Анда Кулангир айди: «Ош деган ерга қуруқ калла югурубдур», деб қўл узата берди. Бир ош емоғлиқ қилдики, табақни тубига тушди. Кўрқуш ҳарчанд пайпаслади-ярим ошом ош табақни тубидин тобмади. Анда Кўрқуш айди: «Қаломни мажид ва фирқони ҳамид таржимаси оёти эрурким, «уётманглар, таматтуъ эдинглар» ва яна бу оят маъноси «Исроф қилманглар». Бу нечук ош емакликдур?» Кулангир Султон айди: «Бизни шаънимизда исроф эмас». Мунда оз олиб охиратда ҳисобини кўб айтгунча, мунда бир олиб, анда бир жавоб берсак яхшироқдур. Ва яна яхшилар сўзидурки, «Ерман деган кўб ер, кўб ерман деган оз ер». Ва яна айтмишларки, «қуйруғи узун товушқон, ямон бўлур сўзни ҳар бирига қовушган». Турунг, муҳим хайрга таъхир қилманг», деб жавоб берди. Анда Кўрқуш ура туруб, Бойўғли сарманзилиға равона бўлди, жаҳди тамом била қатъи манозил ва мароҳила тай этуб. муддаоси девориға пешонаси тегди ва истидъо ҳадафиға мурод ўқи тегди, номуродлардек буруқти. Замондин сўнг Кўрқуш келганидин Бойўғли огоҳ бўлуб

¹ «Меҳмондан қизганиб таомни ўзи ейиши карамдан эмас: Оч кўнгил тўймайдиган суфра (дастурхон)дан олов суфраси афзалроқдир».

олдиға пешвоз чиқиб, таъзим ва тавозеъ бирла саломлаштилар. Кўрқушни уйга киргузди. Таом-моҳазар қилдуруб анинг олдиға чиқариб қўйди. Кўрқуш сўзламасдин ошға туша берди. Бойўғли айди: «Таом емакда сўзлаб таом емак суннатдур. Монанди ҳайвонотдек хомуш таом емак озода мардумлар шеваси эрмас». Анда Кўрқуш айди: «Сўзлашмоқдин ўзга чорам йўқдур. Бурунги яхшилар сўзидурки, «айрон тилай келсанг, челагингни ёшурма». Андоқ воқиф бўлдукким, сизни толеъ гардунингиз буржинда саодат партавлиқ қамари сиймо ва мастуралиқ садафидин пайдо бўлгон гавҳари шоҳворингиз — Кулангир Султонға муносиб Кунушбону ойимнозпарвар ва моҳлиқо қизингиз бор эмиш деб эшитдук, Япалоқбийнинг боласи Кулангир Султонға муносиб кўруб, завчиликға келдим, сиз ширин жавоб беринг, англаб бориб тарадду қилоли». Анда Бойўғли айди: «Оре, болани бўйи етибдур, ўзидин сўраб сизга жавоб берсам керак». Анда Бойўғли ўрнидин туруб боласини олдиға кирди, айди: «Эй болам, Япалоқбий боласи Кулангир Султон ҳувохоҳинг бўлуб завчи йибормиш, на жавоб берурсан?» Анда Кунушбону ойим, нечукким, рўзғор қизини расми эли будур-бошини қуйи солиб турди «сукут-аломати ризо» дегандек. Анда Бойўғли айди: «Бу болиғанинг (кўнгли эр) истабдур», деди. Анда қиз тилға келиб айди: «Эй бемаъни чол, сақолингдин уёл, хомушлугни пеша қилмоқ бўйла бўлурму?! Еинки хайр ишига мутакаллим бўлгонни хитоби бу навъ бўлурму?! Уқуғонинг йўқму Мулла Гулханийни «Зарбулмасал» китобини, анда неча аҳмоқларни фазл бобини баён қилур. Чин сўз анга ялғон, ҳақ сўз била ботил сўз анга яксон, дину диёнат бобида бир савол жавобидин ожиз, ғуслда

неча фарзу суннат борини билмай, сўрардин уялган, айтган сўзини тузини ўзи тотмаган, одамизод орасидаги Кўр Жарчи аҳмақ чақириқ қушга ўхшаш бепарда афғон қила бошладинг?! Байт:

Наво парда ичра навосоз бўлур,
Ки бепарда оҳанг афғон бўлур.

Эй ота, ман ҳам эшитганман». Кўрга (молни) ча-
ла пишган чандири: «Алдатсанг ҳам ёшқа алдат!»
Анда Бойўғли айди: «Эй бошинг кесилгур Бойқуш,
англагон эмасмусанки, «ўлтурғон қиз ўрун топар».
Анда қиз айди: «Ота, эртаги савдони даҳсар оғир-
лиги бор, кечки экинни хатари бор». Ва яна айт-
мишларки, «Эртаги ишни кечга қўйғудек эмас».
Анда Бойўғли билдики, тадбир енги билан тақдир-
ни ёшуруб бўлмас экан. Ура қўпуб Кўрқушни ол-
диға чиқти. Анда Кўрқуш айди: «Бўримусиз, тул-
ку?» Анда Бойўғли айди: «Бу дафъа боринг, яна
бир хабар олурсиз. Масалдурки, «от олсанг, ову-
лунг бирла кенгаш», дебдурлар. Ман ҳам қарин-
дош-уруғларни йиғиб машварат амрини ароға со-
лойин, анга яраша сизга жавоб берарман». Анда
Кўрқуш айди: «Хайр ишига ҳеч истихора ҳожат
эмас». Нечукким бу бобда лисонул ғайиб Хожа Ҳо-
физ Шерозий айтибдурлар:

Мисраъ:

Дар кори хайр ҳожати ҳеч истихора нест¹.

Анда Бойўғли айди: «Боламни ихтиёри бу бах-
тиёрнинг қўлидадур». Анда Кўрқуш айди: «Андоғ

¹ «Хайр ишн олдида ўйланиб, фол очиб ўтиришнинг ҳожа-
ги йўқ».

бўлса бир сучук жавоб айтинг, анга яраша тарадду қилдурсам». Анда Бойўғли айди: «Кўр халқини кўнгли бахилни кўзидек тору тийра бўлур экан. Ман нечук кафгир олмай ошни тузини шўр дерман». Эзид азза ва жалла каломни мажидинда ва фурқони ҳамидинда ёд қилибдур, анинг таржима-си будур: Маснавий:

Дар ҳама кор машварат бояд,
Кори бемашварат неку нояд¹.

Анда Кўрқуш айди: «Рост айтурсан, машварат бағоят яхшидур, лекин хирадманду дониш бирла маслаҳат қилмоқ керак. Баногоҳ ақлу донишдиндур хирад сарчашмаси. Кўр эл ийзоси анга мақбул ва машҳур, оч юруб кекирган, бети бирла оғзини тукини терган, гоҳ бечораликга иқрор ва гоҳ ўзини Таҳмтан² олур баҳодири жаррор, муфт топилғонда он миқдор ошар, ичи пўк, кўзи кўк, нодонлар қотинда Умари айёр, донишмандлар қошида бир нақши девор элга маълум ва машҳур Мулла Абдулжаббордек паришони рўзғорга кенгашиб бизни ора йўлда қўйманг». Анда Бойўғли айди: «Фаросат аёғи оқсоқ, тевадек егани шўрау янтоқ, илгари ўтган сўзни бирини минг қилиб сўзларга тоқ, аёғиндин бир пул учун осилғон сутҳоқ қушга ўхшаш Алиқоқдек бош аҳмоқ эмасман. «Кўбга кенгаш, ўз билганингни қил», дебдурлар». Алқисса, Кўрқуш бу навиди фараҳафзодин кўнгли хуш бўлуб, Япа-лоқбий сарманзилига равона бўлди. Бойўғлини он-

¹ «Ҳар бир ишда маслаҳат лозим, маслаҳатсиз иш яхши эмас».

² Таҳмтан—Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги қаҳрамон—Рустамнинг лақаби.

ча муҳим хайрга рағбати бор эрди, бир-бир баён қилди.

Япалоқни бир қарға дўсти бор эрди — Шўранул, қушлар кўзига гўл, ўз ишига пишиқ, ҳаромзодаи таррор ўғри мишиқ, ҳарифи айёрсолор, ҳар марг мурда устинда тайёр, исқот харжисин тақсим қилурга часпон турган, йигирмани бешини мустаҳиққа бериб, ўн бешини ўзини қўйнига урган, тумшуғи Мирзахонбойдек баччағарни тумшуғига ўхшаган. Ўшал диёрда Маликшабоҳанг отлиқ туюрлари бор эрди, туюрларнинг шоҳлиғи анга мансуб эди, Кулангир Султон ани дангалнишин паҳлавони эрди, Шўранулни Маликшабоҳанг жанобиға севинчига чоптурди. Шўранул қатъи манозил ва мароҳила тай қилиб, Маликшабоҳанг боргоҳиға етти, Япалоқни номасини кўрсатти. Маликшабоҳанг нома мазмунини англаб, замоне таваққуф қилиб айдиким, «Эл ямони манғит, қуш ямони анғит» дегандек ва ё онки, «олмағон нимарсани бозорға юборган кишиға ўхшаб, сани юбормаса бўлмасмуди!» Анда Шўранул айди: «Эй подшоҳи олам, эшитганим борки, «билумсиз билаги йўғон бирни урар, булумлук билаги ингичка борчани фаросат бирла синар». Ё онки айтмишлар: Мисраъ:

Сарнавишти аҳли маъни чун қалам
шоҳасту бас!¹

Эй подшоҳи олам, ўзлари маъни поясидин бебаҳра эканлар. Сизга сурати ямон бўлуб, маъни кони бўлса ҳам хуш келмас экан. Андоғ бўлса, Қўзи Қўчқордек подон, ҳақ сўз била чин сўз анинг

¹ «Маъни аҳлининг тақдирини қалам сингари ҳукмирондир».

олдида яксон, эрта-оқшом қўлинда тасбеҳ, вирди анинг ҳарза фасеҳ, суратинда ҳеч ками йўқ, маъни бежо кетса, ҳеч ғами йўқ, гоҳ ожизалардек энгашиганда сочбоғи ер сўпурган, гоҳ тоқясини учи шифтга теган, мингани ҳўкуз, тилагани тўнғуздин бир тўкуз, базмда бўйнида мўлчоқ, урушда ҳарбаси ошпичоқ бирла ўхлоқ, подшоҳдин тегани-амали ўроқ, тўғри сўзга тўғаноқ, ийзову кулфатга ёвуғроқ, курк товукдек сувга пишарга ўнгроқ одамизод орасинда Кичкинаҳон манзур бўлса ҳам, ман андин аҳмоқроқму», деди. Анда Маликшабоҳанг айди: «Боракалло, ўзини айбини билган донодур», деди. Андин сўнг подшоҳни бир Кордон отлиғ хазинадор бор эрди, анга амр қилдиким: «Биз жонибдин Кулангир дангалнишиним тўйи асбобини муҳайё эдуб бер». Анда Кордон камари ҳимматли неча ердин мустаҳкам боғлаб, айди: «Авлороқ улдулки, аввал бориб Бойўғлига учрасам, ҳарна солғон қалинини ўз қулоғим бирла эшитиб, анга яроша тўйни асбобини тараддудида бўлсам, тоннки харжи исроф бўлмасун», деб жўнай берди. Кордон манзилидин Бойўғлини маскани маъвоси йироғ эрди, балки муддати сафар эрди¹. Кордон айдики, «сафар яроғини беками кўст қилмоқ керак. Агарчи айтмишларки:

«Таваккалту алоллоҳ»ни деган эр,
На талқону, на қолқонни ғамин ер».

Бурунғилар айтмишларки, «Тўйга борсанг, тўйуб бор, тўрқа тўнунг кийиб бор». Уйдин ғамланиб чиқмоқ керак, нечукким, айтмишлар: «Уйдаги савдо

¹ «Муддати сафар»—уч кунлик йўл.

бозорга рост келмас». У ён Бойўғлини кулбаси бўлса, сичқон сўнгокидин ўзга нимарса йўқдур. Сафар яроғини беками кўст қилмоқ керак».

Кордонни ўзига сафарда ҳамроз, хатарда дам-соз, ҳама автори писандийда ва ҳар қайси ҳаракат ондин содир ўлса, аҳсон ва мақбул, ота меросидин қолғон Турумтойи тезпарвоз, сўз келганда жилов сақламай рўбарў этгучиси бор эрди-иккиси бозорга чиқтилар. Эрта эрди, кун кеч бўлди. Офтоб пешин ҳаддиға етти. Анда Турумтой айди: «Тўрам, сизни кирдорингизни одамизод орасидаги Холвоқи мисгарга ўхшаш фаҳмладим». Кордон айди: «Бу нима деган сўзунгдур?!» Анда Турумтой айди: «Одамизод орасида Холвоқи мисгар деган бир одам бор эрди. Намозшом вақтида бировни меҳмонхонасиға таом устиға меҳмон бўлубдур. Нечанд ҳарифлар иштаҳойи тамом бирла суфра атрофини қуршаб ўлтуруб эрдилар. Холвоқи мисгар эшикдин кириши бирла азон овози келди. Анда ўлтурғон одамлар айдилар: «Аввал намоз ўқуб, андин сўнг таом тановул қилоли», дедилар. «Ҳар ким намоз ўқумаса, таомдин маҳрум», дедилар. Холвоқи мисгар асло намоз учун пешонаси ер ўпган йўқ эрди. Ура қўпуб, таҳорат қилиб, намоз ўқуб, андин сўнг нафси бирла даржанг бўлуб айтур эрдиким. «Эй, тошни егур нафс, мани кўкнори ҳолимға боқмай (кетимға) совуқ сувни сазовор этиб, охир мани намозхон қилдинг, рангимни қаҳрабодек сарғартиб», дер эрди. Сиз анга ўхшаб ё Султон амрини биткаринг, ё ўз нафсингизни. «Ики суюклук бир кўнгулға сиғмас», дебдурлар. Масалдурки, «Ики кема тутқонлар қолди ғарқоб ичинда». Анда Кордон Турумтой сари боқиб айди: «Сан хожага насиҳат қилғудек бўлдингму?! Бурунғилар анинг учун айтмишларким,

«Етим ўғул сақласанг, огиз-бурнунг қон этар, етим қўзи сақласанг огиз-бурнунг мой этар». Е онки: «Эма билган қўзилар ики анони тенг эмар, эма билмас қўзилар ўз аносин эомлмас». Камина ўз нафсимни ҳам хушнуд қилурман, султон амрини ҳам. Мундин беҳабар ўхшарсанки: «Имон келтурмоқ худо бирла расулга саҳиҳ», бирига иқрор, бирига мункир бўлса, кофир бўлур. Дуо қилгучилар ~~«аллоҳуммағфирли»~~ деб аввал ўз нафсларини дуо қилурлар, андин кейин. мўъминларни». Анда Турумтой айди: «Афандим, хато қилдим, огзи ошга теганда бурни қонагон ман бўлдум ўхшар. Эшитганингиз йўқмуким, бурунғилар масалидурки «Аргумоқ от бўлмас озгон сўнг, хожаси қулига боқмас ёзгон сўнг», лекин банданинг ҳар қанча журм-хатоси бўлса, подшоҳни андин ортуғроқ афву атоси бўлур. Хуршиди оламтоб заррапарварлик ойинин қўлдин бермас. Бандаликини бўстони об-рангиму бўлур, офтобни заррасидин ор-нангиму бўлур!» Анда Турумтой айди: «Андоғ бўлса, ман Ёдгор пўстиндўздин ҳам ўткариб сўзлабман». Анда Кордон айди: «Сани бу сўзунг «(Дари) огил дар (қунжи) қаҳдон»¹ деёндек, Ёдгор пўстиндўзни нима дахли бордур?» Анда Турумтой айди: «Одамизод орасинда Ёдгор отлиғ бир одам бор эрди. Гоҳо ўзини ўткур сўфи от қўяр, гоҳо миришкору хушёр ва донишманди рўзгор олиб айтур эрдики, «Ўн ёшимда ҳазрати Нух пайғамбарни об-азобда қолгонларинда кемаларин итариб боҳам эрдим». Ва яна айтур эрдики, «Андоғ ҳам эрмас». «Ўн беш ёшимда ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломни кофирлар манжинаққа солиб ўтга отарда бир поясинда ҳозир эрдим», дер

¹ «Оғилнинг (эшиги) сомонхона (бурчида)».

эрди. Гоҳо ўзини ўтқир сўфи от қўяр, гоҳо миришкору ҳушёр ва донишманди рўзгор олиб айтур эрдик, «Ўн ёшимда ҳазрати Нуҳ пайғамбарни об-азобда қолғонларида кемаларин итариб боҳам эрдим». Ва яна айтур эрдик, «Андоғ ҳам эрмас». «Ўн беш ёшимда ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломни кофирлар манжинаққа солиб ўтга отарда бир поясинда ҳозир эрдим», дер эрди. Боз айтур эрдик, «Андоқ ҳам эрмас». «Йигирма беш ёшимда ҳазрати султони орифин Хожа Аҳмад Яссавий хонақоҳларин обод қилурда лой тефиб, хишт берган ман эрдим», деб айтур эрди. Ул ерда ўлтурғон ёр-жўралари айтур эдик, «Эй, Ёдгор ака, рост нақл қилинг», десалар, айтур эрдик, «Қуд Муҳаммад баҳодирдин бўлагини билсам, худо урсун», дер эрди. Эмди хабардор бўлсам, андин ҳам ўтқариб сўзлабман. Ёдгорнинг пўстун тикканин кўрсангиз, чокидин бармоқ ўтар эрди. Бозорга олиб чиқса харидорлар бармогини чокига суқуб айтур эрдик: «Бу на тикиш?!» Ул жавоб берурки: «Мушт ўтмаса, хўб тикиш», дер эрди. Ўзи дин, илми суннатга амри маъруф қилғучи эрди, бо инки таҳоратда қўл-оёқни бандиғача ювмоғни фарз-суннат эканин билмай, уч ангуштини бирини ювуб, иккинни ювмай қўяр эрди. Ман хабардор бўлсам, андин ҳас ўтқариб сўзлабман. Андоғ ҳам бўлса, ўз сарафкандалари, интиқом жаворинда йўқтур ва афв қилғудекдур. Кордон айди: «Сунган бўюнни қилич кесмас», дебдурлар. Гуноҳингни афв қилдим. Ва яна билдимки, кам сафарликдин бу сўзни айдинг. Сафарда бисёр тажрибалар ҳосил бўлур. Магар сан «Қалила ва Димна» сўзидин беҳабар ўхшарсанки, Бозанда ва Навозанда қиссасин баён қилай». Турумтой айди: «Нечук экан ул воқеа?» Алқисса Кордон айди: «Андоғ айтмишларки, илга-

риги айёмда ики ҳумома бор эрди. Бирини оти — Бозанда ва яна бирини оти — Навозанда. Бир ошёнада дамсоз ва бир кошонада сарафроз эрдилар. Бир кун Бозанда Навозанда юзига боқти, осори малолат-андух хотирининг лавҳи жабинининг мутолаа қилиб айди: «Эй, кўзумни нури ва эй маҳзун кўнглум сурури! Замиринг кўзгуси хира, оразинг шуои тийра кўрунур. Айёми нофаржомдин келар тегди ва нелар чекдинг?» Анда Навозанда айди: «Бурунғилар сўзидурки, «Арзон кира шаҳардин овора қилур». Ҳеч зоди роҳила манда йўқ ихтиёримга сафар дағдағаси тушубдур. Анда Бозанда айди: «Ҳайҳот, бу хом сўзни кўнглунгга олма! Бу хаёли фосид дунёни арусидек оразинг қизартиб кўнгул ичра чекилган бўлса, чиқар! Нечукким, ҳазрати Сўфи сўзларидурким, байт:

Узулмас солмани бўйнунигга солма,
Агарчи олмадур рухсори, олма.

Сафар қилмоқ ики ҳолатдин ташқари эрмас: бири-ватанда авқот кечмасдин, бири-ийзо ва ихонат касратидин сафарни ихтиёр қилурлар. Ҳоло бемужиб сафар қилмоқ хирадмандлар шеваси эрмас». Анда Навозанда айди: «Бурунғилар сафарни андоғ таъриф қилмишларки: Байт:

Аз бесафари мард пароканда шавад,
Обеки баяк жой бувад — ганда шавад¹.

Рубоий:

Ҳар кимки сафар қилур—писандида бўлур,
Хуршид каби зиёни ҳар дийда бўлур.
Оламда нимарса йўқдур сувдин тотлиғ,
Бир ерда мақом этса, ганда бўлур.

¹ «Сафар қилмасликдан киши парокандаликка юз тутати. Сув ҳам бир жойда туриб қолса, бузилади».

Осмонки ҳамиша сафардадур, шамсу қамару са-
вобиту сайёраси бор. Ерки мудом соҳиби сабру су-
кундур—поймоли ҳар аҳли дундур. Байт:

Гардун била ерга боқ—фикр эт,
Ва ер қандоғ-у, кўк нечукдур?!

Дарахтлар арра жафосини ва болта ийзосини
билса эрди, бўстони боназokat ичра сабру хуррам
бўлуб турмас эрди».

Анда Бозанда айди: «Бемаҳал ниҳолни ўзга ер-
га ўрнатсалар, ул ҳам кўкармас».

Навозанда айди: «Бадахшонки, маъданийдур ва
Яманки. ақиқни конидур - икисини ўз манзилида
қадру қиймати бўлмас. Мисраъ:

Баланд қадр бўлолмас ватанда ҳеч киши.

Ақиқни, Ямандадур ва лаълки, Бадахшондадур са-
фар ранжини чекмагунча, лаъл бирла ақиқ нақши-
дин ва норранг тароватидин орий қолур». Анда Бо-
занда айди: «Сафарга кўб ҳарис бўлмаким, анда
бир нуқта афзунликдин сақар сурати бўлур¹. Са-
фарда рафиқу шафиқ керакким, ҳазрати расул ак-
рам саллаллоҳи алайҳи вассалам ҳадиси шариф-
ларидурким, «Аррафиқуссум муттариқ». «Яхши ра-
фиқ бирла юрсанг, саодат топарсан ва ямон рафиқ
шақоват далилидур». Нечукким, сангпушт бирла
чаён йўлдош бўлгондекдур». Анда Навозанда айди:
«Нечук эрди - баён қил!» Бозанда айди: «Яхшилар
андоқ айтмишларки, сангпушт Ироқдин Ҳижозга

¹ Бунда сўз ўйини бор. Араб ёзуви бўйича «сафар» сўзида-
ги «ф»га бир нуқта қўшилса, у «сақар» — «дўзах»га айла-
ниб қолади.

борур эрди. Бир чаён анга йўлдош бўлди. Икиси кетиб борур эрди, аммо сангпушт бағоят соҳибни фаҳм, фаросатлик эрди, тоонки чўх сафарларда яхши-ямонлар бирла юруб кўб тажрибалар ҳосил қилгон эрди, аммо чаёнға инон ихтиёрин веруб, бодиялар қатъи эдуб борур эрди. Шул орада баногоҳ бир наҳри азим пайдо бўлди. Икиси ўтмоққа қасд қилдилар. Сангпушт бирла чаён ўтмоққа йўл топмай, тафаккур яғочи анга кўпрук бўлурға ожиз ва тадбир қамучи анга сол бўлурға нобуду ночиз; охируламр сангпушт мустажобни даъватдек мурод ҳадафиға мақрун ўлуб шиноварлик бирла муддао истидъаси соҳилиға ўзини олди, нори ёқиға ўтуб қозу ўрдакдек силкиниб турди. Баногоҳ орқасиға боқти, кўрдики, йўлдошини оти ҳоруғон, пойлуччак тағолардек найзасини кифтиға ташлаб юқори ва қуйи юрур эрди. Анда сангпушт айдики: «Мужиб надур-буён ўтмайсиз?» Каядун айди: «Кўз ёшича сув бўлса, бизга маъзур тутунг». Сангпушт айди: «Йўлдош бўлмоқ шарти бул эрмаски, оз ҳодиса бирла ҳамроҳлик расмини бартараф қилсам. Авлоқ улдурки, тоғони ўтказиб қўйсам яхши бўлур. Бурунғилар масалидурки, «яхшилиқ қил сувға сол, сув билмаса, балиқ билур, балиқ билмаса, холиқ билур». Анда сангпушт хутчав яғочини қўлга олиб, оз ҳаракат бирла нажот соҳилиға ўзини олди, айди: «Эй биродар, сани дарёдин ўткарғали ўғрадим. Мани устумга мингил ва лекин бежо ҳаракат қилмоғилки, ўз жонингга жабр қилурсан». Анда Чаён айди: «Ҳар ким ўз маслаҳатини ўзи билур», деди. Андин сўнг сангпуштни орқасиға минди, дарёға тушуб оқдилар. Замондин сўнг чаёни мазкур тебрана берди. Сангпушт айди: «Бул бежо ҳаракатдин муддао нимадур?» Чаён айди: «Бу кун майдонингни

васеъ топдим. Бурунги яхшилар «эшак ўйини қирқ йилда ва яна ит ўйини бор анда», дебдурлар. Бул кун пўлод найзамни якчарма қолқонингга азмойиш қилойин дерман». Анда сангпушт айди: «Ғолибо улдурки:

Ўз дўсти дилин реш айлаюр жаҳлдин ким —
Ул урар ўз муштини деворға!»

Анда сангпушт айди: «Сани бу хорсифат найзаи бемажолинг мани бу якчарма қолқонимга не кор қилсун?» Анда Чаён айди: «Билганинг йўқмуки, ақрабни муддаоси неш урмоқдур хоҳ дўст кўксина ва хоҳ душман орқасина! Қитъа:

Ҳар кими одати замима бўлур,
Бе иродат зуҳур этар андин.
Тошдин неш аяри йўқ ақраб,
Гарчи мундоқ демак ажаб сандин» —

Анда сангпушт айди: «Ишонмагил дўсттингга, сомон тикар пўстингга», «Ошинонгдин тоб» дебдурлар. Эй дўстум, сув узра жасадимиз хасдек юрмаги тоқай?! Бу баҳри амиқ жавоҳирларин тамошо қилмоқ керак деб ғоввослардек бир ғўта урдиким, ул жавоҳир термоғда қолди ва бул жон бермоғда қолди. Бу масални анинг учун келтурубдурларким, «аслни хатоси бўлмас, нокасни атоси». Эмди сўзни ниҳояти узоғдур, мақсуд қўлдин кетар. Алқисса Қордон бирла Турумтой сафар яроғини муҳайё эдуб жўнай бердилар. Қатъи манозил ва мароҳил тай қилиб Қайқубод шаҳристониға еттилар ва Бойўғлини ошёнасиға қадам қўйдилар. Бойўғли буларни келганидин огоҳ бўлуб, олдилариға чиқиб «Хайра-

мақдамин бирраъсул айни, сафо келибсизлар», деб гарди роҳларини қоқиб, меҳмонхонасиға палослар солиб, чироғлар ёқиб, аларни қўндуруб ўчоғларида ўтунни тўлдуриб қалай бошладн. Ул чоғда ҳаво эътидоли ўтуб, қиш замҳарири ёвуқ эрди. Бойўғли бурувдат касратидин ҳар чанд «пуф» қилди — ўтун ёна бермади. Анда Бойўғли айди: «Гўрга, қарилқни боши, олдинги тишим йўқидин ўт ёқолмадим». Анда Қордон айди: «Андоғ эшитганим бор эрди: «Шайхро ҳунар нест хонақоҳ тангаст»¹. Англагонингиз йўқмуким, бурунғилар айтмишларки, «қаловини тобса қор ёнар, қаловини тобмаса қоқшол ўтун ҳам ёнмас». Ўт ёқарни билмайсиз, бизга нечук муомила қилурсиз?!» Анда Бойўғли айди: «Ёреки аҳлдур—ани иши саҳлдур». Андин сўнг базм асбобин тузаб, руд, уд, даф, най, барбат, қонун, навозанда—созандаларни жамъ эдуб, меҳмондорлиқ қавондасини баржой тутти. Муғаннийлар созларини қулоғиға гўшмол учун қўл узата бердилар. Байт:

Ту неку равиш бош, то бадсигол,
Ба нуқси ту гуфтони наёяд мажол.
Чу оҳанги барбат бувад мустақим,
Кай аз дасти мутриб хўрад гўшмол².

Ва бир-иков ду жўба бирла қоҳили намозни муҳтасиб тутуб ургандек дангур-дунгурга ура бердилар

¹ «Шайхда ҳунар бўлмаса, хонақоҳ тангдур».

² Сен ҳар вақт яхши бўл, тоинки ёмон фикрли кишилар сенинг нуқсонинг ҳақида гап қилишга журъат қилолмасин; барбатнинг оҳанги ўз маромида борса, мутриб учун гўшмолни бурашга эҳтиёж бўлмайди».

ва бир-иков даф орқасини, ўғрини орқасини ўтга тоблағандек, тоблай берди.

Алқисса, нағма навосини фалак-фалакдаги малонкаларга еткура бошладилар. Анда Кордон Бойўғли тарафига боқиб айди: «Сиз бирлан биз парда ичинда наво қилали, лекин бепарда сўзлашмали». Анда Бойўғли айди: «Рост айтурсиз, бурунғилар сўзидурки, «Сўзни айтгил уққонга, жонни жонга суққанга, айтиб нетарсан онадин бемаҳал туққонга», маззали сўзга ҳар қанча қулоқ солса бўлур. Аммо айтмишларки:

Агар сўз жона пайдо қилмаса сўз,
Ани сўз демагил, эй мажлис афрўз».

Анда Кордон Бойўғли сари боқиб айди: «Биз Маликшабоҳангини ҳалқа бағўшларидин¹ бўлурмиз. Андоғ маълум бўлдики, Кунушбону қизингизни Япалоқбиби боласи Кулангир Султонга каломингиз берган эмишсиз деб эшитдук. Ҳарна тилаган қалинингизни ўз қулогим бирла англай, деб келдим, тоннки харжи исроф бўлғудек бўлмасун. Эмди на буюурсиз?» Анда Бойўғли айди: «Илгаригилар сўзидурки, «қўюндин тўкулса, қўнжига», дебдурлар, ўз қариндошимдин киши чиқар, Япалоқ кўфак аз ғайри гузидан чи тамаъ дорад? Кўфакни боласига на деб беройин!» Анда Кордон айди: «Эр тилаган ерда азиз». Яна айтибдурларки, «Қизни ошиқиға бер. Ва яна айтурларки, «Қиз сақлагунча, туз сақла». Яна бир сўзки, «Қиз қариса қози бўлур, (кимга деса) рози бўлур». Анда Бойўғли айди: «Олтуни битган ерда қадри бор», «Жангал ўз

¹ «Ҳалқа бағўш» — қулогига ҳалқа таққан, қул маъноснда.

жойинда кун кўрар», «Ҳар кимни тойи бор — кўнги-
лида гумони бор». Анда Қордон айди: «Сан илга-
ригилар сўзин қилолмасаи. Ул вақтда тева янгоқ
қумалоғлар эрди ва эшак таиға... Ҳоло сан ҳозир-
ни кўзлагил. Масалдурки, «Бугунги нақд ўпка тонг-
лаги қуйруқдин яхшидур». Лекин Қордон «кўфак»
деган Бойўғлини сўзидин озор топти, Бойўғлига ай-
ди: «Ҳоло сан Япалоқбийни кўфак дединг. Бурунги-
лар сўзидурки, «Эгасини сийлаган итига сўнгак
ташлар». Сан андоғ сўз келтурдунгким, «қизим са-
ни айтаман, келиним сан эшит», қилдинг... Сани бу
сўзунг бир зангига ўхшаюрки, ул занги йўл узаси-
дин бир ойна топиб олди, ойнада ўзини акси ному-
борагини кўруб, ойнани ерга уруб, анга печа айб-
лар қўюб айтур эрдики, «Бул ўзи яхши матоъ бўл-
са, йўл узра ётурмуди», дер эрди. Байт:

Хорлик феъли зиштликдиндур,
Зиштлик бадсириштликдиндур.

Агар санинг хирадинг дийдаси хира ва замиринг
ойинаси тийра бўлмаса, эрди, ўз айбингга боқиб,
ўзгалар айбини ёшурсанг хўб эрди». Анда Бойўғ-
ли айди: «Манга насиҳат ўргатгали келдингму?
Санинг насиҳатинг мани қулогимдин елдек ўтуб
кетар». Анда Қордон айди: «Насиҳат сани қулогинг
сабадида елдек турмас ўхшар. Эшон Сўфи Оллоёр
сўзларидурки, байт:

Насиҳат тингламас дил сахту маҳжуб,
Кўкармас тошқа ёмгир ёғса ҳам кўб».

Анда Бойўғли айди: «Ямонни кучи Япалоқга
етар», дегандек кучинг манга етдиму?! Англагонинг

йўқмуки, «Англамай сўзлаган оғримай ўлур». «Чайнамайин еганлар ковшамайин кетарлар». Бу сўзни эшитиб Қордонни газаб ўти иштиғолланиб, вужуд найстониға ўт тушуб, тунуни гардун сариға эҳром боғлади. Баҳаддеки, хижолат терининг тўфони учурмоқдин ожиз, балки ожуз айёмнинг қорёмуғри анинг чорасига нобуд-ночиз эрди, айди: «Эй қуёш жамоли жилвасидин маҳрум ва эй туюрлар аснофидин маъдум масалдурки», («Кетингга) боқ, нақора қоқ». Ва яна айтмишларки, «Итни калласини сийласанг, табақда турмас». Ман сани Бойўғли деб эшитиб эдим, эшитган кўргандек эмас экан. Ман меҳмон бўлсам, қилғон пешомадинг шулму? Сан ўзунгни Қайқубод шаҳристонининг Қайқубоди сонуб Маликшабоҳанг хазинадорини манзур этмадинг. Бу мисраъдин беҳабар ўхшарсан: Мисраъ:

Дема манзур агардин бўлса манзур».

Анда Бойўғли айди: «Мандин ўтти, маъзур тутунг, «Ит қилғонини иторчи қилмас», дебдурлар. Ман ҳиндуға ўхшаш бўлдум. Бурунғилар сўзидурки, ҳиндуни ўз жойинда қозуғи қирқ қари эмиш ва бузови қозуғиға суяниб турар эмиш. Ман хабардор ўлдумки, андин ҳам ўткариб сўзлабман».

Қордон зўрлиқ андозасидин сўз келтурди, айди: «Бурунғилардин бир масал қолибдурким... зўрнинг (кеи) тегурмон юрутур». Анда Бойўғли айди: «Парда ичинда бепарда кўб сўз ўтти нағмағу соз бежо кетди. Базмдин сўнг ҳар қанча қонунавозли сўзунг бўлса, англаса бўлур».

Алқисса, соқий тумтароқлар пиёла суна бошладилар. Бода наштаи Қордон бирла Бойўғлини раг-

ларига ток рагига сув югургандек югурди. Муганнийлар кўнглига нақш ўлтурди: «Таъсири нағма қилдик ўхшар, мевадор дарахтдек бошни қуйи солдурдук», деб даф ичинда сўзлашиб, донрани шаст бериб, бир-бирига айтур сўзлари булдурки, байт:

Оларингга келганда олмон бирла чўлфон бўл,
Олмасингга келганда хожа бирла мулло бўл.

Алқисеа замондин сўнг базмлари туганиб, муганнийлар олганларига қувониб, оройиш узулуб, маърака бузулуб, эл оёғи ором учун этакдин оёғ ва яқодин бош чиқарди ва ҳар нуқта ўз марказинда чалинди. Анда се тан—Турумтой боҳам—ўлтуруб қолдилар. Кордон Бойўғли сари боқиб айди: «Эмди қалин олмоқ муддаосин сўзланг». Бойўғли айди: «Биз жамоага ота-бобомиздин мероски, минг чордевор солғучибиз. Сиз агар уҳдасидан чиқсангиз, фабиҳаллоҳ, чиқмасангиз, кор пўшида-пўшида». Анда Кордон айди: «Бермас қизни қалини кўб деб-дурлар» — рост экан. Қиймат ҳаддин ошди, муштарий рағбати оз бўлур. Сан минг чордевордин дам урарсан...

...Сан айгон вайрона чордеворлар зулмни кўбидин пайдо бўлур. Мабодо бир-икки вайрона кунжи бўлса ҳам, обод бўлмоқ жаҳдидадур. Сан дахи тўқол эчку мугуз тилаб қулогидин айрилгондек бўлма ва ё думсиз эшак дум иштиёқида юруб ики қулогидин айрилгондек бўлма». Бойўғли айди: «Ҳикоят қил», Кордон айди: Маснавий:

Будааст хареки дум набудаш,
Рўзи ғами бедуми фузудаш.
Дар бодияҳо қадам ҳамезад,

Дум металабид, думе ҳамезад.
Ногоҳ зи рӯйи ихтиёри
Бигузошт миёни киштзори.
Деҳқонки магар з-дур медид,
Баржаст варо ду гӯш буррид;
Мискин хареки орзӯи дум кард,
Ноёфта дум, ду гӯш гум кард.¹

Эй Бойўғли, мундин нори бузук чордеворни оти-
ни оғзингга олмаки, тишларинг синур. Олмоқни
бермоғи бор. Қарс ики қўлдин чиқар. «Етим қиз-
га елфуғуч чикора», деган улусни сўзидур. Эмди
санам қуюшқондин ташқари (чиқма), суннат ба-
жо келгудек иш қилиб жўната бер». Анда Бойўғ-
ли айди: «Андоқ ҳам бўлса, туқғон томуримни
йиғиб машварат амрини орога солиб кўройин». Анда
Кордон айди: «Хўб, маслаҳат бағоят яхши-
дур, лекин «кўбга кенгаш ўз билганингни қил». Ма-
бодо мулки Фарғонага маълум ва машҳур ики
Фаж-Лаж хартаминз била «Машварат қилиб бизни
оро йўлда қўйманг!» Анда Бойўғли айди: «Ул ики
Фаж-Лаж кимдур-баён қилмоқ керак». Анда Кор-
дон айди: Шеър:

Ўзин гоҳ мулло олурди тақи,
Ниёзча оғолиқ нахуш аҳмақи.
Юрур кўчага нўхтасиз маркабе.
Агар юрмаса кўнгли қилинғай тафе,
Уйинда ҳузури йўқлиғидинки, бил,

¹ Маъмуни: «Бир думсиз эшак бор эди, у думнинг ғамида
йўлга чиқди. Дум иштиёқида саҳролар кезди-ю, унга эришол-
мади. Иттифоқо унинг экинзорга йўли тушиб қолди. Буни
узоқдан кузатиб турган деҳқон югуриб келиб икки қулоғини
кесиб олди. Бечора эшак дум орзусида юриб икки қулоғи-
дан ҳам айрилди».

Қочар, ҳар сўзи ангадур кафил.
Маошиға ялгон сўзи дастгир,
Сўзин сарф этиб шикамин айларди сер.
Олур гоҳ мулло ўзин, гоҳ амин,
Вале билмагай мустаҳаб жонибин,
Киши кўшина бир нафас бўлса жой,
Буюрар:

«Чилим сол, дамла палав бирла чой».
Агар берсангиз онча таъриф этар,
Ва гар бермасангиз онча дашном этар.
Бобожон Ашур чўлоқ ўғли бири,
Хўқанд мулкида аҳмақи нодирн.
Ўзи лўливаш, юрмагидур ҳасаб,
Кеча-кундуз жустжўйи (талаб).

.

Қилиб фисқ маҳшарни этмасди ёд,
Йигит вақтидин эмди қилгон зиёд.
Булар бирла ҳар маслаҳат каж бўлур,
Бу икиси шаҳр ичра кўб фаж эрур.

Анда Бойўғли айди: «Сиз айтган Яҳёхўжа котибдирким», мудом ҳар ишда ўзидек бемаза, бефаҳм ва беидрок одамга маслаҳат қилур эрди. Хоҳ форсий, хоҳ арабий-ҳар китобеки битса, саҳв ва хато ва ғалатдин холи эмас эрди. Бовужуд бу ҳама ноқислиғи бирла ўзини ҳамадин мулло ва донишманди рўзғор кўрар эрди:

Эди исми Яҳёхожа котиб они,
«Хатим хуш хате, — деб юрурди, — манн».
Ачитма қовоқни давот деб олиб,
Ани яхши деб киссасиға солиб.
Ўзин халқдин билмиш эрди баҳуш,
Қаламдони сандуқчан дукфуруш.

Қаро мешни коғаз этиб битди хат,
Қилич сурати дебки тортарди мад.¹

Анда Бойўғли айди: Ниёзча, Бобожон, Яхёхо-
жа котибки мазкур бўлди—бу уч аҳмақни масла-
хати бирлан иш қилиб бизни оро йўлда қўйманг,
дерсан, манинг боболарим ҳазрати Сулаймон алай-
ҳиссалом бирла мунозара қилғон кишидур. Анда
Кордон айди: «Отадин дам урма-панд ерсан: Назм:

Эшит мандинки аблаҳе дерин,
Отам эрди вазири хони замин.
Насли одам эрди-эмасди малак,
Санга йўқдурки зарра нафъ андин.
Минг десанг санга ҳеч муфид ўлмаз,
Мансабин ол бу сўзни сони дегил.
Нафъи йўқ сўзни кўб десанг на чиқар,
Чуруган устухонни мансабидин.
Емас эрди сомон, ҳама ерда нон,
Аҳли тақви буюрди нони жавин.

Ва яна бу масал борким, байт:

Ота сўраб нетарсан эрни ўзи бўлғон сўнг,
Йўл сўраган номарддур от устига минган сўнг.

Ўз ақлингни ишга буюр, киши ақли бирла иш
қилса бўлмас...»

Анда Бойўғли айди: «Кўбда хатар бор. Ўз қа-
риндошларимдин бўлак бирла машварат қилмас-
ман». Анда Кордон айди: «Гўрга қариндошингни
оқ халтаю кўк халтаси. Корозмолардин масал-

¹ «М а д» — алифнинг устига қўйилиб, унинг чўзиб «о» тар-
зида ўқилиши кераклигини кўрсатувчи чизиқча.

дурки, «Қариндошинг келса келсун, бўз халтаси келмасун». Эшон Сўфи Оллоёрдин бу иборатдурки, байт:

Ақориб келмаса кўнгли ақориб,
Ани ёнига сан ўлтурма бориб.

Анда Бойўгли айди: «Сафол чинни бўлмас, бе-гона нини бўлмас». Қатъи сийлаи раҳм ямон бў-лур. Анда Кордон айди: «Рост айтурсан, лекин сан ҳам одамизод орасиндаги Мулло Муҳаммад Сиддиқга ўхшаб саргардон бўлуб қолма». Анда Бойўгли айди: «Баён қилмоқ керак». Кордон айди: «Хўқанд мулкида Мулла Муҳаммад Сиддиқ деган бир одам бор эрди. Баногоҳ фалакни гардиши била отаси рўян кавламоққа кетди»². Отасидин бисёр мол қолди. Аммо ани бойлар ичинда гўл танимас эрди. Одамлар кўзига мақбул ва анинг сўзи халқ орасинда маъқул бўлган, оч юруб кекирган, бети бирла оғзини тукини терган, ялғон сўзга онт ичган, қайси ерда отаси ўлган етим бечора бўлса, ани молини олиб кўпайтириб бермоққа кафил турган, ани ижорасини олиб бирини мол эгасига, тўқузини ўзи қўйнига урган, охири онт ичиб тан молини еб кетарга чоғлаган. кафшдўзлардин кафи нася олиб, изо-иҳонат, ҳақоратлар эшитиб пулини берган, би-ров бирла сўзлашур вақтда даҳанасини силаб тур-ган, дунёни охиратдин мукаддам билган, одамизод аросинда мақбул-машҳур Мулла Собирбой деган тоғаси бор эрди. Ва ани аминин рўзғор ва етимпар-вар сонуб, жамъи мол-ҳолини анга топшуруб, ўзи таҳсили илмга машғул бўлубтур. Алқисса, харжи-

¹ «Қатъи силаи раҳм» — раҳм қилмаслик.

² «Қабрга йўл олди» — «вафот этди» маъносига.

харожот учун кам-пеш олган экан, мистоқи бир тилла-ярим тилла дегандек. Мулла Муҳаммад Сиддиқи мазкур бир куни тағоси олдиға адойи муомала учун борибдур. Бу масалдин хабарн йўқким, «ҳар ким ўз бошини қашлар». Алқисса, «пулунгни бериб соф қилдим деб мункир бўлубдур». Бу масални ниҳояти узоғ-мақсуд қўлдин кетар. Бир масалдурки, «қариндошинг ўлса ўлсун, қадрдонинг ўлмасун».

Кордон айди: «Эй, бой фарзанди, бизга қабул қилсанг, биз кетармиз, Кўрқуш келиб мунозарани элтур. Эшак йўли қотқоқда маълум бўлурму, ботқоқда?!» Анда Бойўғли айди: «Синаган ёв урушга яхши». Анда Кордон айди: «Ёв кетган сўнг қиличингни (ерга) чоф». Анда Турумтойки, Кордоннинг жиловдори эрди — Бойўғлини радди сухан қилиб сўз бермаганига бул ҳам айди: «Мунга Кўрқуш яхши эрди, гўшти хар — дандони сак бўлуб турса. Масалдурки:

Ямон отга ёл битса, ёнига тўрсук боғлатмас,
Ямон эрга мол битса, ёнига қўшни қўндурмас», —

деб бир сўз Турумтой айтиб ўтди. Анда Кордон айди: «Кетар вақтда яна бир ағдарай», деб: «Кел, эй Бойўғли, бурунгилар масалидирки, «иссиғ жон иситмасиз бўлмас». Танин тозалигинда болангни уясига қўндургил. Яна бир иборатдурким, рубойи:

Аноси бирла кунда эътироз этган қиз,
Бир ўзгани ўзига аҳли роз этган қиз.
Қайин юрти билан куёвни хуш кўрмакдин,
Аносин ҳусни била ноз этган қиз».

Анда Бойўғли айди дар қаҳр бўлуб: «Яхшилар топиб сўзлар, ямонлар қопиб сўзлар», дегандек

ҳоло сан манга андоқ сўз келтурдунг, мани баломни ўзга ёр ҳамрози бор ўхшар». Анда Кордон айди: «Ажаб содда аҳмақсан. Сани сўзунгни бир омади Муҳаммад Юсуфбойга ўхшарки, бозордин ўз заифасига кафш олибдур, бир ношинохт ўткунчи кишига кўрсатибдурки, «Бул кафш мани заифамни аёғига лойиқ келурму?» Ул жавоб берибдурким, «Заифангни аёғини кафтимга кўтариб кўрганим йўқ». Сан монанди ул аҳмақсан. Бир омади сўз—ўтганларни сўзини изҳор қилдим. Ман сани қизингни феъл-атворини билмасман. «Эшакни феъли эгасига маълум», дегандек, ўз қизингни атворини ўзунг билурсан. Бойўғли айди: «Менга кўб озор бердинг, алфозларингга борман».

Бойўғли Кордоннинг жасади узвин мулоҳаза қилди: «Бўйи намози аср соясидин узун, буруни ноҳамвор андуво қилгон қабрдек ва сақоли нофидин қуйи». Бойўғли тахминан Имом Абу Юсуфдин нақли дармиён келтурди. Нақластки, ҳазрати Имом Абу Юсуф бир кун хонақоҳларида мажмуи ёронлари бирла ўлтуруб эрдилар. Бир одам эшикни қаттиқ қоқиб, қаттиғ чақириб турди. Имом айдилар: «Шул одам уч хислатдин ташқари эмасдур: аввал, бўйи узундур; иккинчи, сақоли нофидин қуйидур; учунчи, бир бемаъни сўзли саволига жавоб сўроли келур, анинг саволидан эл нафрат қилур». Буюрдиларки «ичкари олиб киринглар» деб. Олиб кирдилар. Кўрсаларким, туюрлар сафидин турна ва ё кўкқўтандек нимарса. Бўйи намоз аср соясидин ҳам узун-ўшандоғ нимарса. Имом айдилар: «Нима саволинг бор?» Ва ул айди: «Тақсир, тақдир тақозоси бирла Қал Жўржиға кув ёрдим. Қайнонам бир кун бетимдин олиб силкиб солди. Жаҳлни ҳиммати бирла урушуб қизин кўнглумни олдим. Яна аҳд қилиб эрдим... Эм-

ди яна қайнонам азбаройи ошти келибдур... Кафорат лозим бўлурму?» — деди. Мажмуи ёронлар ҳамалари ул аблахни саволидин кўб чақ-чақ қилдилар. Анда Имом айдилар: «Биз айғонлар келдиму?» Ва: «Ул аблахни хонақоҳдин қувла!» дедилар. Ул чоғда бир Кўкқарга хонақоҳ саҳнида иссиғ офтоб ҳароратидин ўлтурғон эрди, айди: «Вақти ношинос ота-ўғул Иброҳимбек боғбонни боғинда таъби тунд, лаванд бир боғбонни бор эрди. Ани боғбони ўзини боғбоне сонуб, олти туб дарахтни ҳўл шохини қуруқ шохига пайванд қилур эрди ва яна бу ақлу фаросати бирла ўзини оламин боғбонидин собит қадам олур эрди. Анингдек соҳиб имтиёзини кўкқўтан ва ё турнага баробар қилурсизму? Кўк кўйлаклик қурутқа ўздин кетса ўхшамас!»

Бойўгли айди: «Яна бир ҳикоят: «Қиш айёми эрди. Ҳаводин қор-ямғур беҳад эрди ва кўча саҳродин оша лой бўлган эрди. Анда бир тева лойга йиқилиб, ики ёнига огнаб, думигача шумғуғон ва ҳар тора мўйи лойи мазкурдин нажоте тобқон йўқ эрди. Ул тева сорбонга жавоби харгўш бериб бир шўразор ахтариб борур эрди. Пўлда бир тулки йўлуқти. Саломлашиб тулки тевани аҳволини сўрди, айди: «Ҳормасунлар! Қайдин келурлар?» Анда тева айди: «Мужибн ғусл учун ҳаммомдин келурман». Анда тулки айди: «Боракалло! Рост айтурсан. Нишонаи тозалиғинг бирла тонудум. Ҳама бошдин аёғ чунон тоза турур, бу сару гардани покизаки санда бор ва бу пою сиёқики санда бор—мулоҳаза қилдимки, ҳаммомни гармоба сувини бошинг билла аёғингга озонча ишлатибсан. Магар ҳаммомчи ўлган эканму ва ҳаммомни холи кўрдингму?!» Бурунғилар сўзидур: «Ялғон айтса бў-

лур-айтгучи доно бўлса. Бек улдурки, олмагай-бергай, қора улдурки, сочмагай-тергай».

Алқисса, Қордон бирла Турумтой Бойўғли билла пасту баланд айтуштилар. Оқибат навмид бўлуб Бойўғлини маъвосидин Кўрқуш ошёнасиға қаддам қўйди. Кўрқушни кўрган ҳамон қақшаб айди: «Ҳар ким кўр сўзиға кирса, биз кўрган кулфатларни кўрар, биз чеккан машаққатларни чекар». Анда Кўрқуш айди: Байт:

«Тиконсиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз
хунар бўлмас,
Риёзат чекмагунча ёр васлиға етиб бўлмас.

Ва яна айтибдурларки:

Эр бошиға иш тушса, ўтук била сув кечар,
От бошиға иш тушса, сувлуқ била сув ичар».

Ва яна айтмишлар, «Кундабозни охириға боқ». Нима ишлар биткардингизлар?» Анда Қордон айди: «Биздин муъжизани кўб тилади — биз ожиз келдук». Анда Кўрқуш айди: «Бойўғли жавоби нима бўлди?» Анда Қордон айди: «Бойўғли айдики, «минг чордевори тоқчабанд бўлса, янги ганж-хоқ қилғон бўлса, ҳеч Бойўғлини сояси тушмаган бўлса унарман ва илло мундин бири кам бўлса, унамасман». Анда Кўрқуш айди: «Ҳар кимни (ишиму) улоқ уламоқ». Анда Қордон айди: «Рост айтурсиз, ҳар қанча талош бўлса, қилдук-фойда бўлмади. «Ман қизимни жамолиға яроша қалин солурман», дейдур. Ва яна ман айдим: «Сиз «араб айрони учумас»дек сўзни қўюнг» дедим. Бой фарзанди айди: «Арзон молни шўрбаси татумас», деди. Ҳосили калом, биз «мўри» дедук, ул «тоқча»

деди—иш биткаролмай маҳрум келдук. Эмди яна Сиздин сўзлашмоқ». Анда Кўрқуш айди: «Сани исмингни «Кордон» қўюбдурлар. Исмнинг мазмуни ишни билиб қиладургон. Ҳоло бул бўлуб тургон ишни бузиб келибсан. Санин ишни билмас киши камёбдур. Исмнинг аксини олиб қўйгон экан. Машҳур Мовароуннаҳр—Бухорода амиралмўъминин Сайид Муҳаммад Умархон бузган Ургут, Шўркўл, Работ, Пушоғар, Зомин, Бекобод, Хайробод-булардин шаҳри Кайқубод рашк олиб адам сари юзланди. Агар мани сандек давлатлик орқам бўлгонда эрди, Бойўғлини оғзига сурнай, қўйнига қарнай бериб Бухорони бир туманидан минг чордеворни топиб бериб муҳим хайр ишин биткарур эрдим. Санинг Кордонлигинг кулол мўндада сув ичгандек ва ё бўзчи белбоқга ёлчумагандек сўз экан. Анда Кордон айди: «Ёв туби эл бўлур, жар туби йўл бўлур», яна бир сўздурки: «Қуда бўлса, қул бўлса ҳам сийлаш»... «Қуда бўлдунг-жудо бўлдунг», деган сўзга йўқмиз». Анда Кўрқуш айди: Масалдурки, «Минг қарғага бир кесак». Сани сўзунг анга ўхшарки, «бир одам яхши кўрган тўпписини тез сувга оқизиб, ҳарчанд тараддуд била ололмади, маҳрум бўлуб айтур эрдик, «йўқолгани ҳам хўб бўлди, бошимга ҳам тор келур эрди», деб. Сан анга ўхшаш алмойи-алжойи сўзларсан. Агар сан ҳам Навфал подшоҳ мажнунга орқа бўлгондек ва ё Муътамир подшоҳ араб Уяйнага орқа бўлгондек, Райёни Уяйнага дилжўйлик қилиб олиб бергандек, сан ҳам шул тарз иш қилсанг эрди, номинг то явмул жазоғача қолур эрди». Анда Кордон: «Ҳикоят қил», деди. Кўрқуш айди: Ҳикоят: «Илгариги айёмда араб мулкида Муътамир отлиқ подшоҳ бор эр-

ди. Ҳар кун и одати тиловати қуръон эрди ва ҳар душанба ва ҳар чоршанба равзаи пок ҳазрати рисолат саллоллоҳи алайҳи вассалламни зиёрат қилур эрди ва бир кеча жигар хунобасин оқузуб зиёрати равзаи шариф қилур эрди. Ушал вақт қиш айёми эрди, ялдо кечаси—ҳазрати Имом Ҳусайнни Язиди палид шаҳид қилгон кунлари эрди. Ул Уяйна ишқни ҳароратидин шикваи тун узоғи ва қоронғулиғдин хонақоҳ ичинда овози ҳазини била шиква қилур эрди: Назм:

Бу нечук тунки ани тонги йўқ,
Ё муаззинларини бонги йўқ.
Ё муаззин минора миндимукни?
Йиқилиб бўйни они синдимукни?!
Ё товугни тамоғидин тулки —
Тутти маҳкам ва ё ер ютти.

Замондин сўнг хомуш ва шамъи парвонаси гўшада беҳуш бўлуб, ва ё тори узулган создек носоз ва фироқ аламинин монёъ овоз бўлуб ётар эрди. Анда подшоҳ айтур эрди: «Овози боринда ани тутуб савол сўрсам яхши эрди», деб пушаймон қилур эрди. Замондин сўнг яна одати маъхудини бошлади. Анда подшоҳ хонақоҳға кириб ул йигитни қўлидин тутиб ташқари олиб чиқди. Ул нолаву афгон қилмоқдин ўзга одати йўқ эрди. Анда подшоҳ айди: «Эй йигит, эшитганинг йўқ-муким, «Бемор тузолгуси келса, табиб ўз аёғидин келур». Ҳар муддаонг бўлса, изҳор қил!» Анда ул йигит айди: Байт.

Балойи ишқа учраб телбадурман, англағил, эй
шоҳ,
Қиши мандек болоға мубталолик кўрмасун асло.

- Анда подшоҳ айди: «Эй ансор фарзанди! Ва эй мубталолик бистарини жигарбанди! Ишқ бир селобедурки, ақл маъмурасини биносини рахнагари ва мажнун харободини иморатгари. Байт:

Ишқдур бир нашъайи комилким, андиндур мудом,
Майда ташвири ҳарорат, найда таъсири садо.

Андин сўнг подшоҳ ўшал йигитни ансор маҳалласига олиб борди, айди: «Эй жамъи ансорилар! Бул йигитни тонурмусизлар!» Анда мажмуъи ансорилар шаҳодат бердиларким, «Оре, бул йигит жорубкаши ҳазрати набини бўлурлар. Поклиғидин араб ичинда машҳур ва ҳама атвори писандида, лекин саҳл кундин бери ишқ бозорининг расвоси ва савдо чаманининг булбули шайдоси бўлубдур. Мундин ўзга ҳеч айби зоҳири йўқдур». Анда подшоҳ Уяйнани ўрдасига олиб борди, ҳамият-ҳиммати даржўш келиб ярим хазина динор ва юз тева, уч юз қаромол, уч юз йилқи, беш юз қўй ва яна қизнинг бош-оёқ сарупосини гамлаб Уяйнадин сўрди: «Қайси қабилани моҳруйи ва мушкбўйига фирифта бўлдунг?» Анда Уяйна айди: «Бир кун бир бузургвори баланд эътиқод масжид жомеъ ҳарамиди баъд аз намози бомдод бадаргоҳи қозиял ҳожот муножот қилиб, дуога машғул эрдилар. Масжиди жомеъга яқин кўча бор эрди. Бизга қараб минг уйлук бодиянишин араб ул йўлдин батариқи кўч ўтар эрди. Нечанд ҳурлиқо қизлар товусдек хиром айлаб ўтар эрди. Онлардин кейин бир парирўйи мумтоз нечанд нозишвайи ушшоқкашлик зеб-зийнати била ўтти ва ани қош-кўзини таъриф қилгон бирла то явмулжазоғача адо қилиб бўлмас. Кўзум кўзига тушти эрса, беҳуш бўлдум. Қулоғимга овоз келдиким:

«Эй Уяйна, ман сани беқарорингдурман, исми Райёдур». Замондин сўнг ўзумға келсам, ҳай бор, ҳайдар йўқ. Онлардин ҳеч асар тобмадим». Алқисса, подшоҳ ўшал бодиянишин араб жойига Уяйнани олиб борди. Подшоҳ бани салим уруғига батариқи меҳмон тушти. Онлар сўйиш ва пешкаш, неча турлук таом келтурдилар. Подшоҳ ҳеч қайсиға рағбат қилмас эрди. Анда бани салим яхшилари айдиларки, «подшоҳини на муддаоси бор турур: анжони ҳарб ва тўйи бор, пешкаш ва моҳазар сари боқмаслар?!» Анда подшоҳ бани салим мардумларин олдиға чақурди, айди: «Эй бани салим мардумлари, биз диёрингизға муҳим хайр учун келдук», деди. Воқеани баён қилдилар. Анда бу турғонлар жавоб бердилар: «Қизни атоси бул ерда йўқтур», дедилар. Неча вақтдин сўнг қизни отасини ҳозир қилдилар. Анда подшоҳ бирла қизни отаси амри хайр сўзларини сўзлашдилар. Анда қизни отаси айди: «Хўб, бўлубдур, болам болиға бўлмиш, ўзидан сўраб сизга жавоб берайин» деди. Анда қизни отаси қизни олдиға кирди, айди: «Эй болам, Муътамир отлиғ араб подшоҳи Уяйна исмлиқ ўғлиға ақд қилғоли келибдур, на жавоб берурсан?»—деди. Анда қиз Уяйна исминини эшитиб, руҳсораси гул-гул ёна берди. Ва яна қизни ризосини отаси англади, айди: «Эй болам, хомуш ўлтурғил, сандак гавҳари аслини ҳар ноқобилни қўлиға бермасман». Анда қиз айди: «Эй жоним ота, боре бермас бўлсангиз ҳам ёмон сўзламанг, зероки ансорилар аҳли ҳарамни муҳтарамни ҳазрати набинодурлар, аларнинг тири дуолари ижобат ҳадафига мақрун турур. Зинҳор, ёмон сўзламанг. «Бермас қизни қалини кўб», дебдурлар. Баланд мол солинг. Озорсиз маслаҳатдур».

Анда қизни айғонидек подшоҳға қалин солди: «Юз тева, ики юз йилқи, ики юз қаромол, беш юз қўй қизни бош-кўзи», деди. Подшоҳни кўшиши тақдир илоҳийга мувофиқ тушти. Уяйнага Райёни ақд қилдилар».

Анда Кўрқуш айдди: «Эй Қордон, сани Маликшабоҳанингни ани ҳолича ҳоли ва молича моли йўқмуди?! Мушук илмоғдаги қуйруғни ололмай, «пуф сассиғ» экан, деган сўзни қўй! Иш битказмоғни мандин кўр», деб Кайқубод шаҳристонига равона бўлди. Бойўғлини уйига кириб борди. Бойўғли ўтру чиқиб, Кўрқушни эъзоз-икром бирла уйга киргузди. Кўрқуш кирган ҳамон «кўр тутганини қўймас», дегандек этагини тиззасини тагига босиб ўлтурди, жекириб айдиким: «Курашсанг, отанг бўлса ҳам йиқит». Анда Бойўғли айдди: «Йиқилган курашга тўймас», яна айтмишларки, «От тобинда, эр қонинда». Куёв бўлсанг, қиз тайёр, эшитмоққа қулоқ бор: сўзламоқ сандин, эшитмоқ мандин». Анда Кўрқуш айдди: «Сани қулоғинг қазон қулоғидек сўз эшитмас». Анда Бойўғли айдди: «Сани кўзунг узукни кўзидек кўрмас». Эшитганинг йўқмуқим, «Бошга тушганини кўз тортар». Хайр ишига мутасадди бўлдунг эрса тортарга кўз йўқидин, малулсан». Анда Кўрқуш айдди: «Ботин кўз керак. Ман санга ҳарза учун келган киши эмасман, келгил, эй бой фарзанди, тилаган чордеворингдин тўрт юзини худо ва расул йўлига кеч, олти юзини жавобини мандин ол!» Анда Бойўғли айдди: «Минг тўрт юз чордевор солғонман, тўрт юзини кечдим, минги қолғондир». Анда Кўрқуш кўрдики, хасису ҳарис агар минг чордевордин бир чордевор кам бўлса, ўтуз тишини бир-биридин синдирур. Анда Кўрқуш айдди: «Андоғ бўлса, пашшадин то анқоғача жумла ту-

юрларга киши юборгил! Барча паррандалар йиғилсунлар, аларнинг мажлисинда маҳр солай». Алқисса, жамъи паррандалар йиғилди, мисли Анқо, Хумо ва Уқоб, Алимерган, Қарчуғай, Баҳрин, Лочин, Итолгу, Тосқора, Сор, Фардогирам — бир тараф ўлтурдилар. Оққуш, Туғадок, Турна, Ғоз, Ўрдак, Кўкқўтан, Ангит, Сўна, Бўрчин, Суқсур, Чуррак, Куркурак — бир саф ўлтурдилар, Булардин кичик қушлар, мисли: Кабк, Бедона, Олатўғаноқ, Қизилиштон, Зарғалдоқ, Кабутар, Мусича, Чумчуқ, Қалдирғоч, Саъва йиғиндин ташқари ўлтурдилар. Бир манзилда Кулангир Султон неча табъи хослари бирла ўлтурди. Кўрқуш куёв жонибдин ва Куйканак қиз жонибдин вакил бўлуб турди. Кўкқарга бирла Олақарга вакили ваколат бўлдилар. Никоҳ хутбасин ўқурга Булбули Ҳазордостон фасиҳ тил бирла ўқумоқ бўлди. Анда Кўрқуш Куйканак сари боқиб айди: «Эй Куйканак, қизингги қалинини баён қил!» Анда Куйканак айди: «Авомуннос масалидурки, «Қатта кема қайдин юрса, кичик кема андин юрар». Бизларга возеҳ ва лойеҳ эрур, аммасини маҳри минг чордевор ва мунинг ҳам маҳри минг чордевор». Анда Кўрқуш айди: «Фарғона мулкинда чордевор ноёб эканин арз қилиб ўтуб эрдуқ, агар Мовароуннаҳр табеотидин хоҳласалар, ҳашт девор десанг ҳам берай». Анда Куйканак айди: «Бу масалдин беҳабар ўхшарсанки, «Бўри ёрмоғина қувонур, ёмоғина йўқ». Яна бир масалдурки, «Така бўлсун сут берсун». Анда Кўрқуш «Хўб бўлубдур», деб ура қўпуб ўрнидин тура келиб айди: «Эй маъшари туюрлар, англағучи бўлунглар, ман маҳр солай: Аввал — Ургут, сониян — Янгиқўрғон, Работ, Пушоғар, Эски сабот, Мўғулчикин, Фируз, Нишобур, Шаҳристон, Бешса-

рой, Деҳлиён, Итарчи, Мавжун, Манғит, Кенагас, Янгиариқ, Гончи, Гозгон, Терак, Ҳожа Тоҳир, Яхдон, Сарой, Қизили, Гуркат, Бекобод, Хайробод...

Энди Кунушбону «ойинми маҳрлари битдим», деди. Алқисса, Кўрқушни маҳр солушига ва Куйканакни олушига барча туюрлар ҳайрон қолиб, бири бировига айтур сўзи булдурки, «Бели оғримагани нон емишига боқ». Куйканак анда туруб айди: «Боракалло ҳиммат ва жавонмардлигинггаки, бизни маърака-мажлисда сўзларга ҳолимиз қолмади. Бу маҳр солушингга барча туюрлар инсоф ва офарин қилдилар. Ва лекин қалин олмоқ муддаомизча бўлди. Аммо вайрона ажносидин Хайробод бизга мувофиқ тушмади-ку. Анда Кўрқуш айди: «Сабаб надур?» Анда Куйканак айди: «Дарёга ёвуқдур Бойўғли халқи сувдин эҳтироз этарлар, мунй ўринга Муғини солинг». Анда Кўрқуш айди: «Шошманг, муғ эгасини муғ атворлиғи бор, яъни, бериш йўлини йўқотибдур ва мумсиклар афъоли анга мақбул ва марғуб тушубдур, муғлук бўлурга оз қолибдур¹. Яна бир сафарлик ҳоли бор. Кеч кузгача ани ҳам солиб бермоққа манкафил», деди. Андин сўнг Куйканак Ҳазордостон сари ишорат қилди: «Хутба бошланг», деб. Анда Ҳазордостон фасеҳ тил бирла таъви ва тасмиядин сўнг ҳамд гулзори шохсори узра бемалоли форигбол ўқуй бошлади. Ҳамд ангаким, жумлан ҳомидлар ҳамдлари анинг ҳақиқий қуёши қотида заррадек музмаҳил, билқатрадек сафо, баҳри барорида нопайдо, изҳори қудрат комили ашжор, амвожларида ҳувайдо. Ҳамди беҳад қодири ламязал ва

¹ Бу ўринда сўз ўйини бор. Хайробод аслида «обод» ишораси борлиғи учун Бойўғлига маъқул эмас. Ундан кейин «са» «Муғлук сўзидан «мунглик» маъноси англашиляпти.

лоязолғаким, ўз ҳабиби гавҳари зот маърифатиға забон лол ўлуб айди: «Субҳонака моарафнока ва маърифатика». Ва даҳи дуруди номаҳдуд вассаловот ул расули раббналоламин ва ҳотаманнабийин ва ҳазрати расули саллоҳи алайҳивассалламғаким, ўмнатлариға пуштипаноҳ турурлар. Салаватуллоҳи алайҳим ажмаъин. Дуо ва солот хулофон арбаа ва ҳама асҳоблариғаким, дўстдоримиз турурлар ва бамазҳаби ҳазрати Имом аъзам кўфии сўфи раҳматуллоҳи алайҳ ва яна ушбу мажмуи туюрларки, шул мажлисда ҳозир у нозир турурлар — Сиз Гунашбону биннат Бойўғли шуларни гувоҳлиғи бирла ва минг чордевори мазкур бирла Япалоқбий боласи Кулангир Султон хотибу роғиб турур—ҳалол жуфтликқа қабул қилдингизму? Кулангир Султон, Сиз даҳи қабул қилдингизму? Ва яна сизга тўрт амри шаръини келган—бири булким, беижозати шаръи шариф ўлмағайсиз, иккинчи амр улким, харобободини қароси кўрунганда, тўшак тортиб ётмағайсиз. Учунчи амр улким, тўшиға сиртингизни бериб ётмағайсиз. Ва яна ҳол-аҳволидин беҳабар бўлуб оч-яланғоч қўймағайсиз. Баъд аз адойи никоҳ жамъи паррандалар тарқашиб кеттилар. Андин сўнг, Кунушбону ойимни макиён янгалар олиб кириб Кулангир Султонға қўшдилар. Алқисса Кунушбону ойим бирла Кулангир Султон айш-ишратға машғул бўлдилар.

Кўнгул озодадур—дунёга арзи эҳтиёж этмаз,
Тариқат солики бу йўлда майли издивож этмаз.
Дили вайронадин, жоно, таваққуъ қилма доғингни,
Бузулган мулкидин, албаттаким, султон хирож
эзмаз.

Этогинг тутқоли кўнглумда андоғ тебрамак гўё,
Тутуб набзим табиби шаҳр идроки мизож этмаз.
Раҳи ишқингда дарду доғи ҳижронинг матонмдур,
Қароқчи айламас торож, онингки, кимса бож этмаз.
Асири қоматинг гар соядек туфроққа ёстанмиш,
Гадойи дарғаҳинг ҳам орзуйи тахту тож этмаз.
Сан ўз динингни туз, зоҳид, мани кўб йўлдин
озғурма,

Бу сурат шамъ ёндурдунг—зиёси пурривож этмаз.
Қамуғ бемора лаълидин шифо вермиш масиҳ осо,
Надин ул шўх англаб, Гулханий, дардинг илож
эзмаз.

Лола кўксидек бағрим таҳ-батаҳ қаро қонлар,
Ҳажр ибтилойдур, найлай, найлай, эй
мусулмонлар.

Ғамза ўқидин ҳар ён бош чиқардилар чандон,
Жисми нотавазимдин даста-даста пайконлар.
Бир дам айла мардумлиқ—днйдам ичра манзил
қил,

Дурру лаъли сочсунлар мақдамингга мижгонлар.
Ваъдалар қилиб эдинг «Шод этай сани ғамдин»,
Ушбу ғамда жон бердим, қани аҳду паймонлар?!
Сан нечук паридурсан—тобмадим сўроғингни,
Кезмишам қуюн янглиғ водию биёбонлар.
Гулханийни қон тортди—азми кўйи ёр этти,
Қатл этарга мижгонлар чекти тиги урёнлар.

Терламиш май тобидин гулбарги рухсорин кўрунг,
Раҳзани дин ўлди тори зулфи зуннорин кўрунг.
Белу оғзидин нишон гар бир сари мў десалар
Айларам инкору иқрор-этмазам ворин кўрунг.
Ўз маконини тилар ҳар гоҳ қафасдин қочса, қуш,
Эйки истарсиз кўнгулни—зулфи ҳар торин кўрунг.
Ғамзаси жоним олуб, новаклари бағрим тилар,
Золими бераҳм, озар узра озорин кўрунг.
Соқие, ҳажр илгида хуноба юттум, Гулханий,
Ғайр ила базм ичра они жоми саршорин кўрунг.

Етмади мажнунга мен кўрган балолардин бири,
Ҳажр водиси аро чеккан жафолардин бири.
Раҳм этиб ҳолимни сўрмаслар кўрунг бедодлиғ,
Сиймбарлардин бири, гулгун қаболардин бири.
Доша изҳор айлади Фарҳод Ширин дардини,
Ишқ ойинида улдур беҳаёлардин бири.
Қошу кўзу холу зулфи бирла улфат тутма чўх,
Қилмасун расво сани юзи қаролардин бири...
Сенга, эй мажнун, жунун илмида таслим айларам,
Сан расолардин бири, ман норасолардин бири.
Гулханий, тинмай дуо қилгил шаҳи волони сен,
Негаким ул подшоҳдур, сен гадолардин бири.

А

абир	— хушбўй, қора тусли парса
абушқа	— кекса эр киши, чол
авом	— оддий халқ
авон	— онлар, вақтлар
авомуннос	— оддий одамлар
адам	— йўқлиқ
ажуз (а)	— айёр кампир, фалак
алвон	— туслар, ранглар («лавн»нинг кўплиги)
алойиқ	— алоқалар, борди-келди («алоқа»нинг кўплиги)
алтоф	— лутфлар (бирлиги «лутф»)
алфоз	— сўзлар (бирлиги «лафз»)
амвож	— тўлқинлар (бирлиги «мавж»)
амин	— омонатни сақловчи, ишончли киши
амиқ	— чуқур, узоқ
аморат	— амирлик
анбоз	— шерик
анвоъ	— хилма-хил («навъ»нинг кўплиги)
ангушт	— бармоқ
андух	— гам, қайғу
анжум	— юлдузлар (бирлиги «нажм»)
аркон	— устунлар, таянчлар (бирлиги «рукн»)

арус	— ўзига тортувчи, алдоқчи, келин
асас	— кеча қоровули, соқчи
асноф	— тоифалар («синф»нинг кўплиги)
асфал	— қуйи, паст, тубан, сафил
асҳоб	— аҳил кишилар, суҳбатдошлар, дўстлар
атоё	— аталган, тортиқ қилинган
атъима	— таомлар, овқатлар
афифа	— покиза, тоза
афлок	— дунё, олам («фалак»нинг кўплиги)
афрўз	— ёритувчи, гуллатувчи. «Мажлис афруз»—мажлисни гуллатувчи
афтода	— тушкун, хоксор
афъол	— хатти-ҳаракат, қилиқлар
ашжар	— дарахтлар («шажар»нинг кўплиги)
ашриба	— ичимликлар
ағлот	— хатолар («ғалат»нинг кўплиги)
ақд	— боғлаш, тугун, никоҳ
ақмиша	— турли хилдаги матолар (бирлиги «қумош»)
ақориб	— яқинлар
ақраб	— чаён
аҳад	— танҳо, ягона (худога нисбатан айтиладиган сифат)
аҳд	— аҳд; замон, давр. «Осафи аҳд» — замона Осафи
аҳсан	— яхши, энг яхши

Б

банотуннаъш	— «Етти оғайни» юлдузи
барор	— илгарилаш, ривож
басират	— кўрувчанлик, сезгирлик
баста	— боғлик, берк
бақо	— тириклик, абадийлик

баҳр	— денгиз
бедаранг	— бетўхтов
бесомонлиғ	— паришон ҳоллик, қўли қисқалик
беш	— ортиқ, кўп
бийно	— кўрувчи
Билқис	— афсонага кўра, Сулаймон пайгамбарнинг маъшуқаси
бирун	— ташқари
бисмил	— сўйилган, сўйиш, бош кесиш
бистар	— тўшак, ўрин-бош
бодия	— чўл, саҳро
бодиянишин	— саҳройи, саҳрода яшовчи
бор	— юк
боргоҳ	— қабулхона
ботил	— беҳуда, бекор
ботин	— ич, ички
булуғ	— балоғатга етишиш, бўйга етиш
бурж	— қуёшнинг йиллик ҳаракати доирасидаги ўн икки нуқтанинг ҳар бири
бурувдат	— совуқ
бут	— чўқинодиган нарсa, «севгил»

В

вадуд	— дўст
васеъ	— кенг, холи
вирд	— эътиқод юзасидан вазифа қилиб олинган, ўқиб туриладиган дуо
вифоқ	— бир фикрлилик, бирдамлик
вожиб	— бажарилиши ёки итоат қилиниши мажбурий бўлган иш ёки ҳолат
возеҳ	— очпқ-ойдин, аниқ, равшан
вуқуъ	— бирор воқеа, кор-ҳолнинг бошла-ниши

Г

ганда
гардан
гардунсарир

гирд
гузир
гулбун
гуфтгў
гўша

гўшмол

- ёмон, ярамас
- бўйин
- осмондаги тахт, «амир» гардунсарир»—тахти кўкка етадиган амир
- атроф, қирғоқ
- қочиш, чора, тадбир, илож
- гул дарахти, гул тўпи
- сўзлашиш, суҳбатлашиш, мунозара
- бурчак, хилват «кулоҳ гўшаси»— бош кийим (дўппи)нинг чеккаси
- қулоқни бураш, жазолаш

Д

далир
дамсоз
дангалнишин

дандон
даҳсар
дилжўй
доман
донишвар
дун
дуррож
дуруд

- дадил, юракли, шижоатли
- дўст, улфат, ҳамдard
- рўпарада дангал ўтирувчи (пахлавон)
- тиш
- ўн чандон
- дил топувчи, кўнгилни кўтарувчи
- этак, ўнгир
- билимдон, доно
- паст, покас
- дала товуқ
- мақтов, дуо; яхшилиқ тилаш

Ж

жабин
жав
жаворинда
жаррор
жаҳд

- пешона, манглай
- арпа, «попи жав»—арпа пони
- атрофда, ён-верида
- урушқоқ, қайтмас (тўда)
- тиришиш

жирм	— гавда, жусса, бирор нарсанинг борлиги
жониб	— томон, тараф
жорубкаш	— супирувчи, хизматкор
журм	— гуноҳ, жинойт
жуст-жўй	— қидириш; излаш
жўй	— ариқ
жўш	— қайнаш

З

замима	— ёмон, ярамас
замир	— ич, юрак, дил
замҳарир	— совуқ, қаттиқ совуқ
занд	— зардушт китоби
зардолу	— ўрик
захм	— яра, жароҳат
зербор	— юк остида қолиш, хижолатчилик чекиш
зиллуллоҳ	— худонинг сояси. «Зиллуллоҳи жаҳонпаноҳ»—худонинг ердаги сояси
зиштлик	хушхушлик, ёмонлик
зоҳир	— ташқи, юзадаги, очиқ
зуннор	— мусулмонлар орасида яшовчи ғайри дин кишилар белига мажбуран боғлатилган рангли ип, чилвир
зуфунун	— илм-фан соҳиб, йирик билимдон

И

ибтило	— мубталоллик, мафтунлик
ижмолан	— қисқа, тўлиқсиз
издивож	— никоҳланиш, уйланиш
ийзо	— озор бериш, уялтириш, изза қилиш
истидо	— сўров, ялиниб-ялвориб тилаш

потиҳора

— мақсаднинг ҳосил бўлиши ёки бўл-
маслигини туш кўриш ва шунга ўх-
шаган ҳолларга асосланиб олдин-
дан тахмин қилиш

исқот

— йўқ қилиш, соқит қилиш

итоб

— қаҳр, ғазаб

иштирол

— машғулот, шуғулланиш

иқд

— марварид шодаси

иқтизо

— лозим кўриш, тақозо этиш

иҳонат

— камситиш, хўрлаш

К

кабк

— каклик

кавокиб

— юлдузлар (бирлиги «кавкаб»)

каж

— эгри, қинғир

каззоб

— ўғри

калом

— сўз, гап; ваъда

касрат

— кўплик, мўллик

кафорат

— қилинган гуноҳни ювиш учун гу-
ноҳ эвазига тўлов бериш; диний
жарима

кирдор

— қилиқ, феъл-атвор

киса

— чўнтак, ҳамён

киштзор

— экинзор

кишти

— кема

ком

— истак, мақсад, баҳра олиш, лаззат

комгор

— бахтиёр, қудратли; ҳоким

корозмо

— ишбилармон, ишчап

кофий

— кифоя қиларли, етарли

коҳил

— секин, суст. «Коҳили намоз» —
намоз ўқишга кам келувчи

куланг

— турна

кулаҳ

— бош кийим

кушод
кўшиш

— очик, бўшатишган
— саъй-ҳаракат

Л

лавҳ
ламяза
лмсон
ложарам
лонзор
лойеҳ
лойуъдо
лойуҳсо

— ёйиқ нарсa, равшaмлик
— азалий
— тил
— чорасиз, иложсиз, шубҳасиз
бекитувчи нарсa, тўсиқ
— очик-ойдиш, кўриниб турган
— беадад
— чегарасиз, ҳадсиз. «Сaнoйи лoйуҳ-
со» — чексиз сaнo
— абадий, мангу

лоязол

М

мавқуф
магас
мажид
мажмаъ
мазраа

— қаратилган, тўхтатиб қўйилган
— чивин, пашша
— шарафли, қадрли
— тўп, йиғин, тўда
— экинзор («марза» сўзи шундан кe-
либ чиққан)

мавҳар
малул
мамлу
мажаниқ

— найдо бўлмиш ўрин, чиқиш жойи
— иллатли, нуқсонли
— тўлиқ, тўлган
— урушда тош солиб отиладиган
қурол

манозил
марг
мардумак
мардумлиғ

— манзиллар
— ўлим
— кўз қорачиғи
— одамгарчилик, ҳиммат; кўз олдида
туриш

маркаб

— миниладиган ҳайвон, улов

мароҳил	— манзиллар
марғуб	— ёқимли, севимли
масеҳ	— исонинг лақаби
масрур	— шод, хурсанд
мастур	— парда ичида, яширинган
машварат	— кенгаш, маслаҳат
машом	— бурун, димоғ
машшота	— қиз-келиндарни ясантирувчи, пар- дозчи
маъво	— бошпана, турар жой
маъдум	— йўқ бўлган, учирилган
маъҳуд	— одат, одатдаги; маълум
мағз	— мия ақл
мақрун	— яқинлашган, яқин
маҳжуб	— пардаланган, ўралган
маҳзура	— ҳазар қилинадиган, қўрқинчли
маҳзун	— ғамли, қайғули, хафаҳол
маҳфил	— жой, манзил. «Тун маҳфилида»— тунда, базм, мажлис.
меҳмонсаро	— меҳмон қўнадиган жой, меҳмонса- рой
миён	— бел
минқор	— тумшуқ
мистар	— чизгич асбоб
мистоқи	— ўхшаши, мисоли
молоқиёс	— қиёсдан ташқари, беқиёс
мофиз замир	— кўнгилда бори
моҳазар (маҳазр)	— ҳозирланган нарса, тайёр овқат
муарриф	— таъриф қилувчи
мубарро	— озод, холи; бирор тўсиққа учра- маган
мужиб	— сабаб, сабабчи
мужтамеъ	— тўпланган, жамъ бўлган
музмар	— яширинган, бекки
музмаҳил	— йўқотилган, маҳв бўлган, учган

мумтоз	— сараланган
муназзаҳ	— тоза, холи
мункир	— инкор этувчи, рад қилувчи
мунфайл	— хижолатли, уятли, таъсирланган
мунший	— ёзувчи, котиб
мур	— чумоли
мурсалин	— элчилар, пайгамбарлар
мусайқал	— сайқалланган
мусаммо	— исмланган, номланган
мустанжоб	— талаби ижобат бўлган
мустаманд	— ғамли, қайғули; муҳтож, бечора
муствақим	— тўғри, рост, ҳалол
мустваҳиқ	— ҳақли
мутабақ	— текис табақ шаклида бўлган
мутафарриқа	— тарқоқ, сочилган
мутриб	— созанда, чолғучи, ашулачи
муфид	— фойдали
муфлис	— камбағал, бечора; савдода синган киши
муфт	— текин
мушояба	— биргалик, иштирок этиш
муштарий	— харидор; Юпитер юлдузи
муғ	— мажусий, оташпараст; майфуруш
муғанний	— созанда, чолғучи, ашулачи
муҳандис	— ҳандаса (геометрия)ни билувчи
муҳлик	— ҳалок, қилувчи, ўлдирувчи
муҳтасиб	— эҳтисоб этувчи. Шароитга ҳилоф ишларни тафтиш қилувчи
мў, мўй	— соч, тук, мўй
мўшикоф	— қилни қирққа ёрувчи, юқори дидли

Н

набз	— қон томири
наби	— пайғамбар (кўплиги «анбиё»)

навид	— хушхабар, севинчли хабар
навола	— ҳадя, инъом, садақа, луқма
навоҳий	— қишлоқлар, атроф
нажжор	— дурадгор
найсонкаф	— инъом улашувчи кафт, сахий қўл
нанг	— уят, номус
насойиҳ	— насиҳатлар
наҳр	— сой, дарё
нигин	— узук, муҳр
нишаст	— ўлтириш
новак	— камон ўқи, киприк
нозир	— назорат қилувчи
ножиз	— арзямас
нозил	— инган, сунган. «Нозил қилмоқ» — сунмоқ
номаҳдуд	— чексиз, чегарасиз
ноф	— киндик
нофаржом	— кўнгилли бўлмаган, патнжасиз ва бефойда ўтган; бахтсиз
ношинохт	— нотапишлик
ношойиста	— келишмаган, номақбул
ноқис	— нуқсли, камчиликли
ноҳамвор	— ғадир-будир

О

озмойиш	— синов, имтиҳон
ойиш	— расм, одат, қилиқ
олуд	— аралаш. «Май олуд» — май аралаш, май юқи
ораз	— юз, чехра
орий	— холи, ялағоч, тоза, тиниқ
Осаф	— Сулаймон пайғамбарга вазир бўлган афсонавий шахс номи
оройиш	— безак, зийнат

осо	— роҳатбахш, каби, ўхшаш
офоқ	— уфқлар
ошуфта	— тарқоқ, тўзғиган
огоз	— бошланиш, киришиш

П

парвин	— ҳулкар
партавлиқ	— равшанлик, ёруғлик
пешасолор	— доимий етакчи, йўл бошловчи
пешкаш	— тортиқ, совға
писандида	— мақбул, ёқимли
пойлуччак	— ялангоёқ
пур	— тўла, кўп, «пуркор»—ишга моҳир

Р

рабиъ	— кўклам, баҳор
раг	— томир, қон томири
раоё	— раиятлар
рафъ	— йўқ қилиш, орадан кўтариш
рагм	— аксига, терсига иш кўрувчи
раҳзан	— ўгри, йўлбосар
реш	— яра; жароҳат
реша	— томир, илдиз
риёзат	— қийналиш, машаққат чекиш
рисолат	— элчилик, пайғамбарлик
риш	— пахмоқ соқол
ройгон	— топиб олинган, текин
роғиб	— рағбатли, мойил
роҳила	— от-улов; сафар
рустойн	— қишлоқлик
руҳафзо	— руҳлантирувчи, танга қувват берувчи
руян	— гиёҳнинг илдизи. Бу илдиздан али-зорин бўёғи олинади.

сабуҳ	— эрта тонг, «бодан сабуҳий»—эрталабки ичкилик
савобит	— турғун (бирлиги «собит»)
савсан	— гул номи, «савсани садзабон»—юз тилли савсан
сайд	— ов қилиш, ов, ўлжа
самад	— бениёз, эҳтиёжи йўқ (хулоса инсбатан ишлатиладиган сифат)
сангпора	— ушоқ тош, тош парча
сангпушт	— тошбақа
сано	— мақташ, мадҳ этиш
сарафганда	— боши эгик, уятли
сарафроз	— боши баланд, улугвор
сарбон	— туячи, туякаш
сард	— совуқ
сарманзил	— асосий қўнар жой
саршор	— мўл-кўл, тўла
сафо	— ёруғлик, хурсандлик, яхшилик
сахо	— сахийлик, қўли очиклик
сахт	— қаттиқ, қотиб қолган
сақар	— дўзах
сахих	— дуруст, тўғри
сахв	— хато, янглиш
сахл	— осон, енгил, сал
сер	— тўқ
сиёқ	— йўсин, тартиб; башара
сиймандом	— сиймтан, оқ бадан
сиришт	— яратилиш, табиат
сойир	— сайр этувчи, кезувчи; дарбадар
солик	— бирор маслакка эргашувчи
солор	— бошлиқ, саркарда
субҳа	— тасбеҳ
сукун	— турғунлик, ҳаракатсизлик

таанний	— асталик билан ҳаракат қилиш, вазминлик
таваққуф	— тек туриб ўйлашиб қолниш ва каромат юзасидаё бирор қарорга келиш
таваққуъ	— бирор ишнинг воқеъ бўлишига умид билан қараш
тавших	— бўйинга тақиллаган, зийнат берувчи
тажарруд	— ҳамма нарсадан кечиш, ёлғизликда кун кечириш
тазвир	— алдаш, ҳийла, фириб
тазийн	— зийнат
тайр	— қуш
тай	— юриш, кезиш
такя	— суяниқ, ёстиқ; дарвешларнинг жойи
таманно	— истак, орзу
тамуз	— ёзининг энг исенқ ойи
таррор	— кисавур, ўғри
тасмия	— ном қўйиш, исмлаш; оятнинг номи
таф/таб	— иситма, безгак
таъхир	— кечиктириш
ташвир	— тўлқин
таъвиз	— оят, туморга битиллаган дуо
таъжил	— ошиқниш, шўшилниш
тийра	— қоронғу, қора
толлоҳ	— қасам
турктоз	— босиб келиш, талон-торож
туюр	— қушлар
туғро	— зийнатли хат, китобининг кўринишли безаги
тўфон	— кучли сув тошқини

тўш	— кўкрак
тўъма	— овқат, таом, луқма

У

узв	— гавда бўлакларидан бири, «аъзо»-нинг кўплиги.
улус	— халқ, эл
урён	— яланғоч, очиқ. «Тиги урён»—яланғоч қилич
ўтру	— қарши, рўпара, пешвоз

Ф

фабиҳо	— муддаодагидек
фаж	— эгри, қаллоб
фазиҳат	— шармандалик, расволик
фан	— билим, ҳунар, ҳийла
фано	— йўқ бўлиш, тугалиш; «Тўфон фано»—сув тошқинида гарқ бўлиш
фараҳафзо	— хурсандчиликини орттирувчи
фард	— якка, ёлғиз
фасоҳат	— сўз равшанлиги, ёқимли гап
фирифта	— мафтун бўлиш, берилиш
фиристанда	— юбуровчи, йўлловчи
фирқон	— қуръон
форигбол	— хотиржам, осойишта
фосид	— бузуқ, фисқчи
фохира	— фахрланувчи, гўзал, ҳашаматли
фоқа	— фақирлик, муҳтожлик. «Фақру фоқа»—камбағаллик

Х

хайма	— чодир
хатм	— охирига етиш, муҳр босиш

хеш	— қариндош, яқин таниш (киши)
хирад	— ақл, ҳуш
хиргоҳ	— чодир, ўтов
ховар	— шарқ; меҳри ховарий» — Шарқ қуёши
хомуш	— жим турниш, индамаслик
хосткорлик	— совчилик
хотам	— муҳр, имзо ўрнига босиладиган тамға
худдонлиғ	— ўзбилармонлик
хуррам	— шод, хурсанд, гуллаган
хуршид	— қуёш
хушилҳон	— ёқимли куйловчи
хушк	— қуруқ

Ч

часпон	— ёпишиб турадиган
чашн	— базм, ўлтириш
чўх	— кўп, талай

Ш

шамс	— қуёш, офтоб
шарар	— учқун, аланга
шафиқ	— шафқатли, ҳимматли
шақоват	— бахтсизлик, ёмонлик
шақоиқ	— лола
шаҳвор	— йирик ва аъло
шаҳд	— асал, бол, лаззат
шева	— одат, йўсин, қилиқ
шершикор	— шер овловчи
шикам	— қорин
шикиб	— сабр, чидам, тўзим
шиновар	— сувда сузувчи, сузагон
шойим	— кенг тарқалган, машҳур

шомил	— ихота этилган, ўраб қўйилган
шопа	— тароқ
шуоъ	— шуъла, ёруғлик

Э

эътидол	— ўртача ҳолат
эътоф	— меҳрибонлик
эҳтидо	— тўғри йўлдан бориш

Я

якчарма	— бир (қават) чармли
ялдо	— энг қоринги кеча
ягмо	— талаш, талон-торож

Қ

қабо	— узун уст кийим
қамар	— ой
қарин	— яқин, яқинлашган
қаттол	— қатл этувчи, ўлдирувчи
қать	— кесиш, узиш, «қатын манозил» — манзилларини кесиш (босиб) ўтиш
қилимсуқ	— иш билгучи
қосид	— хабарчи, элчи
қосир	— қисқа, калта, ожиз, етишмайдиган
қот	— қават, олд, ён «қотидаги» — ёнидаги, ҳузуридаги
қофиласолор	— карвонбоши, етакчи
қурратул айн	— кўз қорачиғи; фарзанд
қурутқа	— кекса аёл, кампир

Ғ

ғабро	— тупроқ, ер, ер юзи
ғаввос	— сув остига тушувчи, дур қидирувчи

ғалат	— хато, янглиш
ғарқоб	— ғарқ бұлған, сувға чўккан
ғул	— занжир, ҳалқа, кишан
ғуломгардиш	— қуллар турадиган жой
ғусл	— чўмилиб пок бўлиш
ғўта/ғавта	— сувға шўнғиш

Ҳ

ҳадаф	— нишон, йўналиш нуқтаси
ҳадис	— сўз, «ҳадиси набавий» — пайғамбарлар сўзи
ҳавойиж	— ҳожатлар
ҳамд	— мақташ, мақтов
ҳангом	— пайт, чоғ, йиғин, ўтириш
ҳарб	— уруш, жанг
ҳарба	— найза
ҳарза	— беҳуда, бемаъни сўз
ҳариф	— шерик, улфат, ўртоқ
ҳарис	— хирсли, очкўз, ўч
ҳасаб	— доғ қолдириш
ҳашр	— йиғин
ҳашт	— саккиз
ҳақир	— паст, кучсиз, тубан
ҳоло	— хирсли, очкўз, ўч
ҳубб	— севиш, муҳаббат «ҳуббул Ватан» — Ватан муҳаббати
ҳубоб	— сув юзидаги кўпик; осмон гумбази
ҳувайдо	— белгили, ошкора
ҳумома	— қуш катор
ҳушоб	— тўза, тиниқ, ялтироқ

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
Зарбулмасал	9
Ҳазаллар	59
Луғат	63

На узбекском языке

ГУЛХАНИ

Песня о сове

Редактор *А. Файзуллаев*

Рассом *М. Рейх*

Расмлар редактори *Дм. Цирин*

Техн. редактор *Т. Смирнова*

Корректор *Ҳ. Аҳмедова*

Босмахонага берилди 11/11-1974 йил. Босишга рухсат этилди 15/Х-1974 йил. Формати 70х100 1/32. Босма л. 2,5. Шартли босма л. 3,23. Нашр л. 2,97. Тиражи 25000 Р.—09616 Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 163—73.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитетининг Бекобод шаҳридаги босмахонада № 3 қўғозига босилди. Бекобод шаҳар. 1974 йил, заказ № 24. Баҳоси 9 т.